БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЁШ ЛЕНИНЧИ

Газета 1925 йил 8 февралдан чиқа бошлаган

1990 йил 19 сентябрь Чоршанба
№ 178 (13.614).
Баҳоси 3 тийин.

• ЎЗБЕКИСТОН ЛКЁИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИНИНГ БОШ НАШРИ •

Москва, Кремль

СССР Олий Шўросининг Раиси ўртоқ А. И. ЛУКЬЯНОВга

Ҳурматли Анатолий Иванович!

Ўрта Осиё минтақасида кескинлик ва миллатлараро тўқнашувлар кучайиши эҳтимолининг олдини олиш, шунингдек, Ўш вилоятидаги фожиали воқеаларга сиёсий баҳо бериш ҳамда айбдорларни жазолаш мақсадида СССР халқ депутати ўртоқ Крючков бошчилигидаги минтақадаги ишларнинг аҳволини ўша жойнинг ўзига бориб, ҳар томонлама ўрганган СССР Олий Шўроси комиссиясининг ҳисоботини қўшимча масала сифатида СССР Олий Шўроси тўртинчи сессиясининг кун тартибига киритишингизни қатъий илтимос қиламан.

Бизнингча, муҳокамага КПСС Марказий Қўмитаси масъул раҳбарларининг минтақага сафари натижаларига доир материалларни ҳам қўйиш лозим.

Илтимосимни СССР халқ депутатлари эътиборига етказишингизни сўрайман.

Ўзбекистон ССЖ Президенти, СССР халқ депутати
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 1990 йил 17 сентябрь.

Ўзбекистон ЛКЁИ XXIV съездига делегатлар кўрсатила бошланди

ДАСТЛАБКИ «ҚАЛДИРҒОЧЛАР»

Эркин РОЗИҚОВ, Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитасининг шўъба мудири.

Жумҳуриятимиз комсомол ташкилотларида Ўзбекистон ЛКЁИ XXIV съездига делегатлар сайлаш бошланди. Комсомол Марказий Қўмитаси пленумида делегатлар сайлашнинг ғоят демократик тартиби белгилаб берилган эди. Эндиликда бошланғич комсомол ташкилотлари комсомол йиғилишларида делегатликка номзодларни кўрсатадилар, вилоятлардан Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитаси белгилаб берган вакиллилик нормаларидан келиб чиқиб, шаҳар, ноҳия комсомол қўмиталарининг кенгайтирилган пленумларида делегатлар сайланадилар.

Делегатларни ана шундай тартибда сайлашни жойларда қониқиш билан кутиб олдилар. Ана шу соҳада Қашқадарё вилоят комсомол ташкилоти дастлабки «қалдирғоч» бўлди. Усмон Юсупов ноҳия комсомол қўмитасининг пленуми бўлиб, унда икки делегат сайланди. Булар С. Муродов номли давлат хўжалигининг ишчиси Гулнора Соатқулова ва Ўзбекистон ЛКЁИ Усмон Юсупов ноҳия қўмитасининг биринчи котиби Юсуф Ботировдир.

Дастлабки пленум нимани кўрсатди? Фаоллар сайловнинг бундай системасига ҳали тайёр эмасликларини очиқ айтиш керак. Чунки делегатликка номзодлар бўлажак съезддаги ўз ҳаракат дастурларини, нуқтаи назарларини аниқлаб олишмаган эди.

Съездга тараддуд кўриш айни мана шу делегатларни сайлашдан бошланади, деб умид қилиш керак. Ахир комсомол анжуманига кимлар вакил бўлиб келса жумҳурият ёшлар сиёсий ташкилотининг бундан кейинги ривожланиши ҳам ана шуларга боғлиқ бўлади. Шунинг учун бўлажак ҳар бир делегат ўзига: «Съездга нима билан бораман?», деган саволни берса тўғри бўлар эди.

БИЛЛУР ГУЛДОН СОҲИБЛАРИ

— Дўконлар шаҳар комсомол қўмитасига хизмат қилмайди,— деди Тошкент шаҳар комсомол қўмитасининг йўриқчиси Лола Забирова. — Лекин пойтахт комсомол ходимлари савдо соҳасидаги иш қанчалик яхши йўлга қўйилса, улар шунчалик манфаатдордир.

12 сентябрда «Интурист» маданий-ахборот марказида савдо корхоналари комсомол-ёшлари ўртасидаги кўрик-конкурс ғолибларини ёрлиқлар ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирлаш бўлиб ўтди. Ана шу конкурснинг ташкилотчилари ва «ҳакамлари» Тошкент шаҳар комсомол қўмитаси ва шаҳар ижроия қўмитаси савдо Бош бошқармаси бўлди. Конкурс ғолиблари Тошкент марказий универсал дўконининг аёллар ёмғирпўши бўлими сотувчилари бўлдилар. Улар шаҳар комсомол қўмитаси номидан «Миконд» заводида конкурс қатнашчилари учун махсус тайёрланган кўчма биллур гулдон билан тақдирландилар.



Шу кунларда жумҳуриятимизда анъанавий болалар китоб байрами қизғин давом этмоқда. Жойларда юзлаб болалар ўзлари севган шоирлар билан учрашиб, мушоираларда шеърият завқидан хушнуд бўлишяпти.

Сиз кўриб турган суратларда Тошкентдаги Ленин комсомоли номли маданият ва истироҳат боғида байрамнинг тантанали очилиш маросимидан лавҳалар акс этган.

Суратчи Содиқ МАҲКАМОВ.

Комсомол турмуши: қайта қуриш қандай бормоқда?

МУСТАҚИЛЛИКНИ КИМ БЕРАДИ?

Кўпинча ёшлар йиғилишларида ишимиздаги камчиликлар ҳақида ачиниброқ гапиришса, бу биз — комсомол ходимларига оғир ботади. Баъзан аччиқ танқидлардан сўнг, «ахир комсомол қўмиталарининг ҳақ-ҳуқуқлари, имкониятлари чекланган бўлса, бунга биз айбдорми», — дея чуқур уҳ тортамиз. Ҳадеб танқид эшитавергач ишимиздан кўнглимиз совийди. Ҳар бир кунни бошқа ишга ўтиш ташвиши билан ўтказамиз. Борабора эса танқидларни хотиржам, пинагимизни бузмай эшитадиган бўламиз. Асосий ишимиз комсомол аъзолик бадалларини йиғиб олиш, гоҳи-гоҳида комсомол йиғилишларини ўтказиш, комсомол ҳисобини юритишдан иборат бўлиб қолади.

Яқинда комсомол ташкилотларида комсомол ҳисоби варақаси бекор бўлиши ҳақида гап бўлганда, орамизда, — энди нима иш билан шуғулланамиз, — дегувчилар ҳам топилиб қолди. Чунки очиқ айтадиган бўлсак, бугун қандай ишласак ёшларга нафимиз кўпроқ тегишини ўзимиз билмаймиз. Вақти-соати келиб ёшлар олдида ҳисоб беришда қийналмаслик учун, керак — нокерак тадбирларни ўтказишга уринамиз. Шу билан атрофимиздагиларга ўзимизни ишлаётган қилиб кўрсатган бўламиз гўё.

Кейинги пайтларда комсомол ташкилотларини хўжалик ҳисобига ўтказиш, маблағ ишлаб топиш ва шу йўл билан комсомол ташкилотларининг мустақиллигини таъминлашга уриниб кўраяпмиз. Комсомол ташкилотларининг тузилишини қайта кўриб чиқаяпмиз. Қайси бир жойда иш ўрни сонини қисқартириб, қайси бир жойда янгисини очаяпмиз. Иқтисодий жиҳатдан сал устун бўлган бошланғич комсомол ташкилотларининг қайсидир масалаларда имтиёзини кенгайтираяпмиз. Сўнгги вақтларда эплаб, сеплаб амалга ошираётган баъзи ижтимоий аҳамиятга молик ишларимизни ҳисобга олмаганда тўлалигича ички хўжалигимиздаги муаммолар билан ўралашиб қолаяпмиз. Лекин ички хўжалигимизни қанчалик такомиллаштирмайлик бу ерда ҳам деярли тартиб ўрнатолганимиз йўқ. Бунга сабаб юқоридаги ишларимиз билан ёшларни ўзимизга қарата олмаяпмиз. Бу бажараётган ишларимиз оддий комсомол аъзоси учун унчалик аҳамиятга эга эмас. У шу кунгача ҳам буларсиз яшаб келган, бундан кейин ҳам яшайди.

Тўғри, яширишнинг ҳожати йўқ, ҳамиша ҳам уни қилаяпмиз, буни қилаяпмиз, деб ўзимизни оқлашга талайгина ишларни қалаштириб ташлаймиз. Лекин бу ишларимизни қайси бири билан ёшларнинг салгина бўлса-да, оғирини енгил қилолганимизни айтолмаймиз. Ахир, ёшлар ташкилоти ёшларнинг манфаатлари учун курашмаса, қандай қилиб ёшларни ташкилотга бўлган ишончини сақлаб қолиш мумкин? Умуман бундай ёшлар ташкилотининг кимга кераги бор?

Ҳозир кўпчилик, комсомол жамиятимизга фойдаси ҳам, зарари ҳам тегмайдиган ташкилотга айланиб қолган, — деган фикрларни айтмоқда. Ҳаттоки, комсомол ўз вазифасини ўтаб бўлди, энди уни тугатиш керак деган гап-сўзларни ҳам эшитиб қолаяпмиз.

Мен бу фикрлар устида баҳслашмоқчи эмасман. Лекин комсомол бугун ҳам ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий турмушида тўпланиб қолган муаммоларга кузатувчи бўлиб қараб тураркан, вақти-соати келиб мутлақо нокерак ташкилотга айланиб қолиши аниқ.

Бугун кўз олдимизда оила, рўзғордаги етишмовчиликлар ёшларнинг орзу-ҳавасларини ўз гирдобига тортиб кетаяпти. Эндигина балоғат ёшига қадам қўйган йигит-қизларимиз ўз имкониятларини, иқтидорини рўёбга чиқариш ўрнига, ҳаётий зарурат туфайли катталар каби ишлашга, яшашга мажбур бўлишаяпти. Бунинг оқибатида эса ёшларимиздаги қанчадан-қанча қобилият юзага чиқмай хазон бўлаяпти.

Ҳозир эътибор бериб, қарасангиз, орамизда ҳали ҳеч қанча ёшга кирмай туриб ички ва ташқи олами билан мўйсафид сифат бўлиб қолган, оқибатда ҳаётдан лаззатланиш нималигини билмай яшаётган ёшларимиз талайгина эканлигининг гувоҳи бўласиз. Бу ерда ҳар қандай ишни бажаришга рози бўла туриб, иш тополмай сарсон юрган ёшларимиз ҳақида гапирмасак ҳам бўлади.

Шуниси қизиқки, айнан мана шу муаммолар бизга — комсомолга тааллуқли эмасдек туюлади. Нимагадир биз бу муаммоларнинг ҳал этиш йўлларини қидириб топиш ўрнига, фақат иккинчи даражали ишларимиз ҳақида жон куйдирамиз.

Албатта, юқоридаги муаммолар ҳақида жиддий бош қотириб кўришни, жонини койитишни хоҳламовчилар, бунинг учун комсомол ташкилотларининг ҳақ-ҳуқуқини, мустақиллигини амалда таъминлаш керак, дегувчилар топилади. Хўш, ўша ҳақ-ҳуқуқларга, мустақилликка қандай қилиб эришиш мумкин? Қоғоздаги қарорлар биланми?

Шу ерда бир ҳақли савол туғилади: умуман ўша ҳақ-ҳуқуқ ва мустақилликни бизга ким бериши керак? Фирқа қўмиталарими ёки хўжалик, ташкилот раҳбарларими? Йўқ, умуман ҳеч биримиз қўлимиздаги имкониятларимизни, ма, деб бировга тутқазиб қўймаймиз. Масалан, фирқа ходимлари, хўжалик ва ташкилот раҳбарлари бизга ҳақ-ҳуқуқимизни, мустақиллигимизни қайтариб бериб, ўзларининг беминнат хизматкорларидан ажралиб қолишларини хоҳлашмайди. Чунки биз «мусичадай» беозормиз. Улар бизни истаганда измиларига солиб олишлари мумкин. Шундай экан, биз мустақилликни фақат улардан тортиб олишимиз мумкин. Шундан сўнг атрофимиздаги катта кучга таянган ҳолда тўла мустақил ҳаракат қила оламиз.

Шундай деймана-у, аммо бунинг учун бизда журъат етишмаслигини сезаман. Чунки ҳаммамиз комсомолдаги ишимиз вақтинчалик эканлигини, бари бир эртага ўша казо-казо раҳбарларнинг кўмагисиз бошқа ишга ўтолмаслигимизни билиб, уларга қўл-оёғимизни кишанлаб берамиз. «Ёшларнинг муаммоси нима бўлса бўлар, иш қилиб ҳеч ким мени пишагимни пишт демаса бас», — деган ўй билан ўз келажагимизни ўйлаймиз. Имкони борича юқоридан берилган топшириқларни бажаришга ҳаракат қиламиз. Масалан, шаҳар ёки ноҳия фирқа қўмитасининг умумий бўлими мудири бизни розилигимизни, имкониятимизни ҳисобга олмай телефон қўриқчилигига (навбатчиликка) қўйса, норозилигимизни очиқ айтолмаймиз. Негаки ўша бўлим мудири ўзидан каттароғига айтиб, бизни ёмон кўрсатиб қўйишдан чўчиймиз. Ёки жойлардаги раҳбарлар бошқа ишдан комсомол қўмитаси котибини истаган ишини бажаришга юборсин, у лом-мим демай кетади. Чунки у ҳам ўша раҳбарга қарам одам. Гоҳида бошлаган бирор ишимиз катталарга сал ёқинқирамаса, бирдан бу ишдан воз кечамиз. Менимча, айнан шу нарсалар бизни дадил ҳаракат қилишимизга тўсиқ бўлмоқда. Бундан комсомол фирқа сиёсатига қарши бориши керак экан-да, деган хулоса чиқариш нотўғри. Фирқа қўмиталари комсомол ташкилотларига айрим чигал муаммоларни ижобий ҳал этишда беғараз ёрдам кўрсатишлари лозим.

Гап комсомол қўмиталарининг мустақиллиги ҳақида бораркан, бу борада юқорида ўнлаб қарорлар қабул қилган билан комсомол ходимлари ҳимоясиз қолаверса, қуйида ҳеч нарсага эришиб бўлмайди. Бунинг учун юқори комсомол қўмиталари комсомол кадрлари билан ишлашни аниқ механизмини яратишлари керак. Улар ҳар қандай шароитда комсомол кадрларининг кейинги тақдирини ижобий ҳал қилиш имкониятига эга бўлишсин. Демоқчиманки, комсомол ходими ўзининг дадиллиги туфайли вақти келиб яккаланиб қолишини ўйламасин.

Ўрни келганда яна шуни айтишим кераки, тобелик бир неча ўн йиллар давомида қон-қонимизга сингиб келаяпти. Тобелик бизни ҳақиқатни рўй-рост айтишдан жиловлаб келаяпти. Масалан, нўноқ раҳбарга: «Сиз бу вазифага арзимайсиз», — деб айтолмаймиз. Чунки тақдиримиз кўпроқ ўша раҳбарга боғлиқ, деб ўйлаймиз ва ўз кучимизга ишонмай қўямиз. Бизда агар бирор киши бу тобелик асоратидан қутилмоқчи бўлса, ёлғизланиб қолиши тайин. Негаки биз ўша кишига қўшилиб, раҳбарларга ёмон кўриниб қолишдан чўчиймиз. Баъзида ўша одамни ноҳақ айблашгача бориб етамиз.

Бугун тобелик асорати туфайли кўплаб иқтидорли ёш кадрларимиз нўноқ раҳбарларнинг хизматкорига айланиб қолишган. Нўноқ раҳбар ўз мансаб курсисини ўйлаб қўл остидаги иқтидорли кадрнинг қанотини қирқиб қўяди. Чунки уни ўзидан юқорироққа парвоз қилишини хоҳламайди. Худди шу нарса эса ёшлардаги ижодкорликни, ташаббускорликни сўниб боришига олиб келаяпти. Ҳар қандай имкониятлардан маҳрум бўлган ёшлар эса ўз хизмат вазифасини қўл учида бажаришга одатланиб қолишаяпти. Агар бугунга келиб ҳам бу бўйсунувчанлик асоратидан қутилмас эканмиз, ҳаётимизда жиддийроқ ўзгариш бўлишига кўзим етмайди.

Яқинда Ўзбекистон ЛКЁИнинг Ҳаракатнома лойиҳаси билан танишиб чиқдим. Ушбу лойиҳада келгусида бажарадиган ишларимиз анча салмоқли эканлиги кўриниб турибди. Лекин бу Ҳаракатнома лойиҳаси съезд муҳокамасидан ўтгач кўплаб муҳим ҳужжатлар каби қоғозда қолиб кетмаслигига ёшларни ишонтира оламизми? Ҳозирги вазиятда эса уларни бунга ишонтириш анча оғир. Чунки улар ишониб, кутавершдан чарчашган. Шунга қарамасдан ҳали уларни умид, ишонч бутунлай тарк этгани ҳам йўқ.

Бугун ёшлар Ўзбекистон комсомолининг яқинда бўладиган XXIV съездидан ҳам кўп нарсани умид қилишмоқда. Съездда ўрганиб чиқиш ва ҳал қилиш йўлларини белгилаш лозим бўлган муаммоларнинг кўлами катта. Шундай экан, съездга делегат этиб сайланган ёшларнинг вакиллари ўзларига берилган ваколатдан тўла фойдаланиш учун дадилроқ ҳаракат қилишлари керак.

Кези келганда шуни айтиш керакки, съезд делегатлар БЛКЁИнинг XXI съездида бўлгани каби айрим икир-чикир нарсалар атрофида ўралашиб қолсалар, бекорга вақт йўқотилади, холос. Шу билан бирга съезд ишини ҳар хил баёнотлар, резолюциялар билан тўлдириб ташлаш ҳам бизни асосий масаладан чалғитади. Умуман олганда съезд ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий турмушидаги муаммоларни ҳал этишда комсомол қандай ўрин тутиши керак, деган саволга аниқ жавоб бериши лозим. Бу масалага ойдинлик киритишда тегишли вазирликларнинг ахборотларини эшитишни мақсадга мувофиқ, деб ўйлайман. Чунки, съезд ёшлар номидан бундай ваколатга эга.

Собир ПРИМОВ,
Шаҳрисабз шаҳар комсомол қўмитасининг аъзоси.

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КЕНГАЙМОҚДА

УЗУН бройлер фабрикаси жамоаси йиллик ишлаб чиқариш дастурини анча ошириб бажарди. Планга кўра 1090 тонна парҳез гўшти тайёрланиши керак эди. У 1400 тоннани ташкил этди. Сурхондарё савдо тармоқларига йил охиригача яна 500 тоннадан кўпроқ маҳсулот жўнатишни мўлжаллашмоқда. Тухум етказиб бериш режалари ҳам илдам бормоқда.

Узун бройлер фабрикаси — ёш корхона бўлиб, иш бошлаганига бир йилдан сал ошди. Ҳозир унинг иккинчи навбатини фойдаланишга топшириш учун тайёргарлик кўрилмоқда. Янги паррандахоналар, бошқа бинолар қурилмоқда. Уларни келаси йилда ишга тушириш режалаштирилган.

Сурхондарё вилояти.
(ЎзТАГ мухбири).

Шу сонга хабар

Ўзга сайёраликлар ташрифи

Мавлуда опа Зокирова қизи ва қайнонасини кўриш учун касалхонага йўл олди. Уйда 18-мактабнинг 5-синфида ўқийдиган қизчаси Муҳаррамхон ёлғиз қолди. Қизча ҳовлидаги гулзор оралаб бегона ўтларни юлиш билан овора эди. Шу пайт қаердандир ғувиллаган товуш эшитилди.

— Ҳовлидаги ток сўриси устунларига сим бойлаб, кўрпа ёйиб қўйилган эди. Бир пайт қарасам ўша ёйилган кўрпанинг устига оппоқ шарга ўхшаган чўзинчоқ бир нарса келиб қўнди. У худди «Фан ва турмуш» ойномасидаги «учар ликопча»нинг ўзгинаси эди. Хаёлимга келган фикрдан қўрқиб кетдим ва жон ҳолатда қичқириб кўчага қараб қочдим.

Номаълум учувчи объект бир зумда осмонга кўтарилиб томдан ошиб, кўча эшигида ўйнаб ўтирган қўшнисининг қизи 3-синф ўқувчиси Матлуба Убайдуллаеванинг ёнгинасида пайдо бўлган. Қизча қаттиқ қўрқиб кетганлиги учун бир неча муддат «соқов» бўлиб қолди. Кейинчалик «Тез ёрдам» врачларининг кўмаги билан у бир оз ўзига келди. Шундан сўнг бўлиб ўтган воқеа тафсилоти ҳақида ундан сўраб-суриштира бошладик.

— Мен ўртоғим Мадина билан кўча эшигимиз олдидаги тут дарахти тагида ўйнаб ўтирган эдим. Мадинани буваси чақирди. У уйларига қараб кетди. Мен ҳам уйимизга кириб кетиш учун ўрнимдан турмоқчи бўлган эдим, қаршимда ариқ ичида (сувсиз) оппоқ чўзинчоқ шарга ўхшаш каттагина бир нарса турганини кўрдим. Унинг деразаси очиқ эди. Ичкарида учта ўриндиқ бўлиб, биттаси бўм-бўш, иккитасида каска кийган одам бир-бири билан мен тушунмайдиган ғалати тилда гаплашиб кулишди. Мен ерни ушлаб ўрнимдан турмоқчи бўлиб, қўлимни чўзган эдим, беихтиёр кафтимда юмшоқ нарсани ушлаганимни сезиб қолдим. Қарасам қўлим улардан бирининг елкасида турарди. Шошиб қўлимни тортиб олдим. Мен елкасидан ушлаган ҳалиги киши соф рус тилида кулиб туриб «Иди сюда» дея ёнига чақирди, яна нималардир деди, тушунмадим. Бирдан хаёлимга рўзнома ва ойномалардаги «учар ликопча» келди ва кўзимни чирт юмиб, овозимни борича «дод» деб чақирдим. Кўзимни очсам, атрофимга одамлар тўлиб кетган экан.

Матлуба қичқирганда уйдан биринчи бўлиб, 7-синфда ўқийдиган Тоҳир исмли акаси югуриб чиқади ва том баравар баландликда учиб кетаётган оппоқ шарга кўзи тушади. У шарни тош билан уриб туширмоқчи бўлиб, унга қарата муштдек тош отади. Номаълум учувчи объект эса отилган тошга чап бериш учун силкиниб юқорига кўтарилаётганида беихтиёр телевизор антенасига урилиб кетади. Биз антенани кўздан кечирдик, не кўз билан кўрайликки, антенанинг бир сими орқасига эгилиб синиб кетган, ўзи эса кун чиқиш тарафга анчагина қийшайган эди.

Уй эгаларининг айтишларича, телевизорлари анчадан буён ишламас экан. Ўша воқеа юз бергандан сўнг қўйиб кўришса ҳамма программа кўрсатувларини тиниқ кўрсатган.

Бу ҳолатни Матлубалар хонадонига қарама-қарши ҳовлида яшовчи қўшни аёл Мадинанинг онаси Муҳаррам опа Исмоилова ҳам ўз кўзи билан кўрганлигини айтди.

Қўни-қўшнилар ерда беҳуш ётган Матлубанинг юзига сув сепиб ҳушига келтиришди. Қизалоқ ҳушига келганда атрофидаги кишиларга жовдираб, ўзидан-ўзи чинқириб йиғлаб юборди, яқин икки соат атрофида «соқов» бўлиб қолди. Номаълум учувчи объект эса ҳавода айлана-айлана 20 минутлардан сўнг кўздан ғойиб бўлди. Буни эса юзга яқин киши кўрган.

— 7 август куни кечаси соат 23 лар чамасида ташқарига чиқдим. Ой тўлишганлиги учун ҳамма нарсани бемалол кўрса бўларди. Шу пайт кўзим ғалати нарсага тушди. Кун ботиш тарафда каттагина шарга ўхшаш юмалоқ нарса ўзидан яшил нур таратиб, дам теракнинг орқасига ўтар, дам пасайиб, дам ҳавога кўтарилар эди, — дейди «Коммуна» жамоа хўжалиги бош агрономи Насибжон Убайдуллаев.

— Эртасига ишга келдим, 1-бригадага бориш учун машинада кетаётган эдим. Кўчада тумонат одам тўплланганини кўриб машинани тўхтатиб тушдик. Негадир ҳамма осмонга қарар эди. Билсак кечаси шу атрофда айланиб юрган «учар ликопча» ерга тушган экан. Биз ҳам беихтиёр кўкка боқдик ва аста-секин кичрайиб кетаётган оппоқ юмалоқ нарсани кузатдик.

Қизиқ, маълум муддат оралиғида «зим» бўлиб кетган бу номаълум учувчи объектнинг Косонсой ноҳиясида яна пайдо бўлганлигини қандай тушунса бўлади. Боз устига куппа-кундузи, аҳоли зич жойлашган маҳалладаги ҳар иккала хонадонда ҳам ёшгина қизалоқларнинг танҳо қолган пайтини «пойлаб» тушиши ҳар қандай кишини ўйлантириб қўйиши табиий. Бир томондан бундай ҳолатлар янгилик эмас. Кейинги икки-уч йил ичида тез-тез такрорланиб турувчи ҳодисага айланиб бормоқда. Энг муҳими улар ҳали биронта ҳам инсон зотига зарар етказган эмас. Улар кўпроқ болалар билан учрашишни хуш кўришар экан. Балки болаларнинг тўғри сўз, ишонувчан, ўзларини ҳимоя қилиш учун «ожиз» бўлганликларидан фойдаланиб қолишмоқчи бўлишар. Балки улар ростдан ҳам ўзга сайёрада яшовчи антиқа кишилардир. Улар ўзларининг қўрқинчли «башаралари» туфайли биз ерликлар билан яқин алоқада бўла олмаётгандирлар.

Хуллас, бу ҳақда истаганча хаёл суриш, фараз юритиш мумкин. Лекин номаълум учувчи объект ҳамон номаълумлигича қолмоқда.

Ҳамида АБДУМУТАЛ қизи,
Косонсой ноҳиясидаги «Ленинчи» рўзномаси ходими.

Давлат Қўмитаси Раиси билан муштарийларнинг мулоқоти Тошкент вақти билан соат 14.00 га белгиланган эди. Аслида эса барвақтроқ бошланди. Биринчи қўнғироқ Фарғона водийсидан бўлди. Телефонда Охунбобоев ноҳияси радиоси муҳаррири Кўпайсин БЎРИБОЕВ:

— Раис келдиларми?

— Ҳали вақт эрта.

— Унда бизнинг икки оғиз таклиф ва истакларимизни ҳам етказиб қўйсангиз. Радиода «Оқшом тўлқинлари» эшиттиришининг ташкил этилиши жумҳурият аҳолисининг ҳаво мавжларидаги чиқишларга эътиборини оширди. Аммо негадир ундаги танқидий мавзуларга жавоблар эълон қилинмаётир. Ойнаи жаҳонда ҳам кекса санъаткорлар ҳақида алоҳида кўрсатувлар тез-тез ташкил этилса... Бундан ташқари қишлоқларда радио монтёрларнинг маоши ўта паст.

Раис келди ва шу каби саволларни унинг қўлига тутқаздик.

— Истакларни, албатта, қабул қиламиз. Алоқачилар ва уларнинг моддий таъминоти ҳақидаги масаладан алоқа вазирини хабардор қиламан.

— Алло, Тошкентми! «Дилдан суҳбат» керак. Ангрендан Саодат ИБРОҲИМОВАман. Ганжа ака, бу хоразмча концертларни алоҳида-алоҳида берса бўлмайдими! Ойнаи жаҳондаям, радиодаям!

— Ўйлаб кўрамиз. Умуман шундай таклифлар бор. «Хоразм куйларидан концерт» деб илгари ҳам берилarди. Радиода шундай тажриба бор. Аммо битта Хоразмнинг ўзини ойнаи жаҳонда алоҳида қилиб берсак, мантиққа тўғри келмас. Хоразм куйлари ҳам ўзбек мусиқа маданиятининг ажралмас бир қисмидир. Яқинда, шу вилоятга бағишланган катта кўрсатувимиз бор. Кўринг. Фикрингизни айтарсиз.

— Тошкент шаҳар, Тансиқбоев даҳасида истиқомат қилувчи Еркина АБДУЛЛАЕВАнинг фикри батамом тескари бўлиб чиқди. «Комилжон ака сингари ҳофизларини биз ҳам севамиз, инкор қилолмаймиз. Аммо, хоразмчага кўп эътибор берилаяпти. Олмахон Ҳайитова ҳақидаги кўрсатувни ҳам «норма»дан ошириб юбординглар чамамда... С. Ўдаева ҳам кўп чиқаяпти...»

— Фикрингизга қўшилолмайман.

— Ганжа ака, Мен Оҳангарон ноҳиясидаги Куйбишев номли хўжаликдан Зулхумор ХУДОЙНАЗАРОВАман. Сизлардан илтимос, мусиқали кўрсатувларни кўпроқ ташкил қилсанглар. Улар кишига яхши кайфият бағишлайди. Чимкентлик Ғиёс Бойтоев иштирокидаги концерт ҳам такрорий берилса... Умуман чимкентлик санъаткорларнинг алоҳида чиқиши, «Чимкент гулдастаси» уюштирилса девдим.

— Биринчи таклифингиз маъқул-у, аммо чимкентликларни алоҳида ажратиб бериш шарт эмасдир.

ҚЎНҒИРОҚЛАР ОРАСИДАГИ СУҲБАТДАН:

— Келгусида телетомошабинни қандай янгиликлар кутади!

— Пахта йиғим-терими тугагач, меҳнаткашлар билан бевосита мулоқот ўтказиш ниятимиз бор. Яқинда 12 та бош муҳарририят ўрнига 4 та ижодий бирлашма ташкил этдик. Уларнинг раҳбарларини ана шу мулоқотга чақириш ниятидамиз. Чунки томошабинларда йиғилиб қолган саволлар кўп. Бирлашмаларни тузишдан мақсад бир-бирини такрорламаслик. Аниқроқ айтганда, адабий-драматик билан мусиқали кўрсатувлар муҳарририятларини, иқтисод билан ижтимоий сиёсий кўрсатувларни, «Ёшлик» билан болалар муҳарририятларини, кино билан ўқув, илмий-оммабоп кўрсатувлар муҳарририятларини бирлаштирдик. Янгилик яхши самара беришига ишончим комил... Асосий мақсадимиз жамоада яхши бир ижодий муҳитни яратиш, ижодий кучларни бирлаштиришдан иборат.

Саломат ХУДОЙБЕРДИЕВАман Тошкентдан. «3-студия»нинг сўнгги кўрсатувида ўткир муаммоли гап бўлмади. Ҳаммаси силлиқ, яхши.

— Жуда ёмон ҳам чиқмаяпти-ку, муаммоларни айтаяпмиз. Айтиш билан айтишнинг фарқи бор. Бир нарсани қора дейиш мумкин. Қоп-қора дейиш ҳам мумкин. Сиз қоп-қорасини кутаяпсиз. Ўша қорага кўпроқ бўёқ етишмаяпти, сизнингча.

— Дўконларга-чи кираяпсизми!

— Ҳа, деярли ҳар куни.

— Бозорларга-чи!

— Ҳа, умримиз бозорда ўтаяпти.

— Нега тақчилликни яхши ёритмаяпсизлар!

— Сиз яқин орада Москва томонларда бўлганмисиз? У томонларда умуман ҳеч нарса йўқ. Ҳаётнинг ўзи шунақа бораяпти. Бундан баттарроқ бўлишидан худонинг ўзи асрасин, деймиз. Бизда ҳар ҳолда унчалик эмас. Аммо қуруқ пештахталарни кўрсатаверганимиз билан бирон нарса кўпайиб қолса, айтинг, ҳар куни кўрсатайлик. Шунинг учун ҳаётга бир томонлама қарамаслик керак. Сабабларини биласиз, биз ҳам... Агар жавобларим қондирмаган бўлса, менинг ҳузуримга Саломат Худойбердиеваман, деб келинг. Истаган масала бўйича сиз билан баҳслашишга тайёрман. Қачон, дейсизми? Эртадан бошлаб истаган пайтингизда келаверинг. Телефоним 33-81-06. Соғ бўлинг.

Мирза АБДУЛЛАЕВ, журналист: яқинда номлари эълон қилинган Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти номзодлари орасида ойнаи жаҳон вакили Муслим Йўлдошев ҳам бор. Айтингчи, у ҳақдаям кўрсатув бериладими!

— Ҳозиргача бир қанча санъаткорларни ташвиқот қилдик. Муслим тўғрисидаям кўрсатув ташкил этишади. Ўз номзодимиз учун ўзимиз ҳам қайғуришимиз керак-да!

— Ассалому алайкум, Ганжа Ёқубович! Тоҳир Саидбоевман. Менинг сўрамоқчи бўлган нарсам, Дадахон Ёқубов ҳам, унинг «Ҳаёт қувончлари ва ташвишлари» туркум кўрсатуви ҳам ойнаи жаҳонда негадир кўринмай қолди...

— Менимча, сентябрнинг охирларида чиқса керак. Биргина «Ҳаёт қувончлари ва ташвишлари» эмас, балки, Дадахон Ёқубовнинг бутун ижодий фаолияти ҳақида гап боради. Кўрсатув Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССЖ Давлат мукофоти номзодлигига қўйилди. Шунинг учун мукофот берилгунча кўрсатув тўхтаб туриши керак экан. Аслида кўрсатув ҳаракатда. Тўхтаб қолгани йўқ. Қониқарлими, жавобим. Баракалла!

— Алло, эшитаман! Ҳа, «Ёш ленинчи», «Дилдан суҳбат», Ёқубовман. Ким бу? **Сирдарё ноҳияси, «Сирдарё» рўзномаси бўлим мудири Абдураззоқ БЎРИЕВ** дейсизми? Эшитаман, Абдураззоқ!

— Шерали Жўраев халқимизнинг севимли санъаткорларидан бири бўла туриб, ҳозиргача унинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида видеофильм яратилмаганини қандай изоҳлайсиз! Бу биринчиси...

— Иккинчи саволингиз нима?

— «Пахтакор» командасининг сафардаги ўйинларини «ойнаи жаҳон»да кўрадиган вақт келадими!

— Шерали Жўраев ҳақида илгари яратилган фильм концертимиз бор. Янгиси, ҳақиқатдан ҳам йўқ. Ш. Жўраев иштирокида «Шерали ва Ойбарчин» фильми экранларга чиқди. Аммо бу фильм ҳали ойнаи жаҳонга тўлиқ чиққани йўқ. Келишувимиз бор. Янги фильм-концерт яратиш ниятидамиз. «Пахтакор»нинг сафардаги ўйинларига келсак, буни ташкил этиш жуда мушкул масала. Техникавий кучларимиз етмайди. Катта харажати ҳам бор. Чунки, команда делик, Краснодарда ўйнайдиган бўлса, у ердан туриб репортажни Москвага беришимиз тўғри келади ва шу орқали Тошкентга узатиш керак. Аммо 1992 йилнинг охири, 93-йилнинг бошларида фазога янги «Спутник» алоқа йўлдоши чиқарилади. Бу йўлдош Ўрта Осиё ўлкасига хизмат қиладиган бўлади. Уни лойиҳалаштириш ишларида қатнашганман.

Дилдан суҳбат

«МУХЛИСЛАРИМИЗДАН ҲАЛИ ҚАРЗИМИЗ КЎП»

ЎЗБЕКИСТОН ССЖ ОЙНАИ ЖАҲОН ВА РАДИОЭШИТТИРИШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ РАИСИ ГАНЖА ЁҚУБОВИЧ ЁҚУБОВНИНГ МУШТАРИЙЛАР БИЛАН СИМ ОРҚАЛИ МУЛОҚОТИ

Ганжа ЁҚУБОВ, 1940 йилда туғилган. Тошкент театр ва рассомлик санъати институтини 1962 йилда тамомлаган. Урганчда театрда ишлаган. 1965—71 йилларда эса «Ойнаи жаҳон»нинг адабий-драматик кўрсатувлар муҳарририятида фаолият кўрсатди. 50 дан зиёд телеспектакллар муаллифи. Кейинроқ Хоразм вилояти телевидение ва радио эшиттириш қўмитасининг раиси, вилоят маданият бошқармаси бошлиғи, вилоят ижроқўми раисининг ўринбосари, Ўзбекистон ойнаи жаҳон ва радиоэшиттириш Давлат Қўмитаси Раисининг муовини бўлиб хизмат қилган. 1990 йил июнь ойидан шу Қўмита Раиси.



Иттифоқнинг исталган бурчагидан кўрсатув олиб боришимизга имконият туғилади. Ҳозирча эса, радионинг имкониятларидан фойдаланиш билан кифояланишга мажбурмиз.

— Ассалому алайкум Ганжа ака! Қурбон Эшматман. «Ёш ленинчи» бўлим мудири. Хизматчилик, идорадан ташқарида туриб сим қоқаяпман.

— Ҳеч қиси йўқ, Қурбонжон!

— Гап бундоқ, раис бува! Бу ойнаи жаҳондаям бирор ўзгариш қилинадими, ёки нуқул Москвадан нусха олаверасизларми! «Етти кун»дан «Ҳафтанома»ни олдинглар... Хуллас...

— Ҳозиргина бу ердаги ўртоқлар билан шу ҳақда гапиришиб ўтиргандик. Фикрингизга юз фоиз қўшиламан. Сиз айтган «Ҳафтанома» ўзгаради. Шу ҳафтадан у ахборот мусиқавий кўрсатувига айланади. Хабарлар орасига учта яхши қўшиқ киритилади. Мазмунига ҳам эътиборни кучайтирмоқчимиз. Ўзимизнинг кўрсатув бўлади. Москваники эмас.

— «Қувноқлар ва зукколар», «Иқбол»лар-чи! Уларнинг савияси ҳам ошираладими ё саёзлигича қолаверадими!

— «Қувноқлар ва зукколар»ни вақтинча тўхтатдик. Ҳозирча бўлмайди, даражасини оширишимиз керак. Шунингдек, «Иқбол»ни ҳам қайта кўриб чиқиш устида ўйлаяпмиз.

— Учинчи яна бир масала бор. Мана, ойнаи жаҳон пайдо бўлибдики, вилоятлардаги мухбирларимиз пахтакор ҳақида кино лавҳа оладиган бўлса, нуқул «қаҳрамон»ни далага, отизга тиқади. Чорвадор, боғбон, полизкорга ҳам тааллуқли бу гап. Худди уларнинг даласи ёки ишини биров кўриб олиб қўядигандек. Шунга нима дейсиз!

— Бу бизнинг касалимиз. Вилоятлардаги мухбирларимизга ҳар куни уқтирамиз. Қаҳрамон раис ёки бригадир, қатор оралаб юриб келиб, далада чаноқ олиш керак. Ёки бўлмаса, трактор, пахта териш машинасининг ғилдираги, шпинделлари кўриниш керак. Хуллас, шу савиядан кўтарилолмаяпмиз.

Пахтакормиз, унинг пахтакорлигини томошабин билади. Унинг даладан бўлак ташвиши йўқми? Нега уни оила даврасида, тўйда ёки шу каби жойларда суратга тушириш мумкин эмас? Далачи завод ёки фабрика ишчиси эмаски, томошабин чалғиб қолса. Йўқ, бундай сийқаси чиққан алмисоқдан қолган лавҳалар қариди. Улардан холи бўлишга уринаяпмиз. Мана, яқинда мухбирлар бўлимимизни янгиладик.

«Вақт»дан кейинги кўрсатувлар ҳақида ҳам сўрадингиз. Биласизми, бизда йилига саноқли бадиий фильм ўзбекчалаштирилади. Бир йилда эса 365 кун бор. Бунинг ўрнини тўлдириш учун мана, кечадан бошлаб пахтакорлар учун концертлар бераяпмиз. Хуллас, томошабиндан қарзларимиз кўп.

— Янгибозор ноҳиясидан Гулбаҳор ФАЙЗИБОЕВАман. Султонпошша Ўдаева ҳақидаги кўрсатув қачон берилади. Мухлиси сифатида шуни билмоқчи эдим!

— Билишимча, бу ҳозир монтажда.

— Тошкент Давлат дорилфунунидан III курс толиби Ислом АҲМЕДОВ бўламан: «Ахборот» кўрсатувларида янгилик сезилмаяпти. Ўрнига, дейлик, Ленинградники сингари «600 секунд»га ўхшаш кўрсатувлар қилиш мумкин эмасми! Ахир Коммунистик ноҳиясидаги «Коммунизм» жамоа хўжалиги ем-хашак тайёрлаш режасини бажарди» қабилидаги хабарларнинг кимга қизиғи бор! Шу хусусдаги фикрингиз қизиқтиради бизни!

— Ҳозиргача бир ўртоқ билан шу хусусда гаплашдик.

— «600 секунд» Ленинградда битта. Бундай кўрсатув Москвада ҳам йўқ. Аммо уни ўхшамаса-да, шу каби ошкора хабарларни тезлик билан томошабинга етказишга ҳаракат қилаяпмиз. Шу ўринда тан олиш керак. Ҳозир ҳам бизда ҳадиксираш йўқ эмас. Қолипдан чиқишимиз қийин кечаяпти. Фикр-мулоҳазаларингизни ҳисобга оламиз, албатта! Бошқа саволларингиз йўқми? Саломат бўлинг.

— Алло, «Дилдан суҳбат» деганлари шуми!

— Ҳа, шундай.

— Косонсойдан Қўчқоров Ҳабибулламан. Иккинчи гуруҳ меҳнат ногиронимaн. Беш фарзандим бор. Нафақам етмаяпти, болаларни боқишга. Беш йил тўшакда ётдим. 70 сўм ҳеч нарса бўлмаяпти.

— Маҳаллий Шўро раҳбарлари хабар олиб туришадими?

— Йўқ, мен ўзим уларга бориб тураман. Ҳеч қандай ёрдам бўлмаяпти.

— Биздан қандай кўмак керак?

— Сал бўлсаям, бизга юз тутишсалар. Чорва молларини олишда ёрдам берсангиз. Бозорга ўтадиган бўлсак, ҳолимиз вой кечади, деб қўрқаяпман.

— Ҳозир бу масалада жумҳурият ҳукумати дастур тайёрлаяпти. Кам таъминланган оилалар турмуш шароити ҳисобга олинади. Аниқ ёрдамга келганда эса, менинг номимга хат юборинг. Қўлдан келган ёрдамни аямаймиз.

«ЁШ ЛЕНИНЧИ» ИЗОҲИ:

Косонсой ноҳияси ижтимоий таъминот бўлими ҳамда Шўро раҳбариятидан Ҳабибулла Қўчқоров оиласига ёрдам қўлини чўзишларини сўраймиз.

— Алло, Ганжа Ёқубов керак. Мен Дилноза ШОМАҲМУДОВАман.

— Менман. Ёқубов. Ўзбекча гапираверинг, синглим (Мурожаат русча эди).

— Тошкентдаги 22-мактабнинг 10-синфида ўқийман. Илтимосим, радиодан Майкл Жексонинг қўшиғини эшиттирсангизлар.

— Радиони тинглаб боринг. Истагингиз эътиборга олинади.

— Собир Раҳимов ноҳиясидаги Марказ — 17-18 даги 1-уй, 218-хонадонда истиқомат қилувчи Жамила ОРИПОВА бўламан: болалар учун қизиқарли бирор кўрсатув йўқлигини айтмоқчийдим.

— Қандай кўрсатувни сиз қизиқарли деб ҳисоблайсиз?

— Масалан, кичкинтойлар учун мультфильмлар...

— Ахир, Жамилахон «Ойнаи жаҳон»да мультфильмсиз кун йўқ-ку! Сиз ҳафталик кўрсатувларни муттасил кузатинг-у, мультфильм қўйилмаган кунни бизга айтинг. Ҳар куни болаларга атаб бир соат вақт ажратганмиз. Бошқа бадиий фильмларга келганда, гапингизга мутлақо қўшиламан. Чунки янги фильмларни прокат икки йил «айлантирмасдан» туриб бизга бермайди. Сабаби, сиз уни «ойнаи жаҳон»да кўргандан кейин кинотеатрга бормайсиз.

— Ганжа Ёқубович, ассалому алайкум! «Паркент тонги» рўзномасидан Меҳриддин УСМОНОВман. Хатлар бўлими мудири: «Ҳафтанома» кўрсатувининг номи мавзуига тўғри келмайди. «Оқшом тўлқинлари»да дадиллик йўқолиб бораяпти. Фонограммалардан ҳам қутуладиган вақт келмадими! Ашулачининг оғзи қимирлаши овозига тўғри келмай қолаяпти, ахир!

— «Ҳафтанома» бўйича фикрларимни «Ёш ленинчи»да ўқиб қоларсиз. Фонограммаям бир касаллик эканми, қутулолмаяпмиз. Дадилликка келганда, тушунмайман. Ахир бу нисбий тушунча-ку! Кимки раҳбарларни танқид қилса, Горбачевга, Ленинга қарши фикр айтса, тузумни, Компартияни танқид қилса, э-э, қойил, бу дадил одам экан, дейишади. Бу ҳар доим ҳам дадилликка киравермайди-ку!

— Нодира НАЗАРОВА безовта қилаяпти, сизни. Тошкент политехника институти АСУ куллиётидан. «Камалак» эшиттириши муаллифларига ташаккуримизни етказиб қўйсангиз, деган эдим. Фаол ишлашаяпти.

— «Қизил тонг»дан Нигораман. «Оқшом тўлқинлари»ни кундуз ҳам такрорласанглар нима бўлади!

— Ахир бу эшиттириш ўз номи билан «Оқшом тўлқинлари»-ку! Эртаси куни ундаги хабарларнинг долзарблиги қолмайди-да.

— Алло, Ганжа Ёқубович, ассалому алайкум! Қашқадарёдаги радиомухбирингиз Мадаминжон АВЛИЁҚУЛОВман. Сиздан сўрамоқчи бўлганим, маошлар ҳақида. Бизнинг ойлигимиз ҳам ошадими!

— Яқинда ошганидан хабарингиз бор. Яна кўриб чиқилиш арафасида турибди. Ноҳия радиолари ходимлари илгари бизнинг қўмитага қарашли бўлганда 110 сўм маош олишарди. Госкомиздатга берилганда 180 сўмга кўтарилди. Яқинда яна қўмитамиз ходимларининг маоши ошди. Улар энди бу ёққа ўтамиз деб хат ёзиб ётишибди. Биз рози бўлдик. Жумҳурият ҳукуматига сўровнома тайёрлаяпмиз. Аммо тан олиш керак, радиожурналистларимизнинг юқоридаги қўмитага ўтиб кетиши хатолик бўлган.

—«Дилдан суҳбат»ми, Ҳаким НАЗАРОВман, Сурхондарёдан. Касаба уюшмалари вилоят кенгашидан. Ганжа Ёқубович, кейинги пайтларда Москва билан Тошкентнинг яхши кўрсатувлари бир вақтга тўғри келиб қолаяпти. Бу борада сизларда бирор бир чора тадбир кўрилаяптими ва бўлса, улар қайсилар!

— Эътирозингиз ўринли, аммо сизга бир нарсани айтиб қўяй. Агар Тошкентдан яхшироқ кўрсатув берилаётган бўлса, ҳеч бир ўзбек кишиси Москвани кўрмайди. Урисча концертдан кўра унга ўзбекчаси маъқул эмасми? Бу биринчиси. Аммо кўрсатув ва эшиттиришлар вақтини мувофиқлаштириш бўйича иш олиб борилаяпти.

Энди сиздан бир нарсани сўрасам:—Термиз «Ойнаи жаҳони» иш бошладими? «Озгина камчилиги бор» дейсизми?

— Ҳа. Яна иккинчи саволим бор, Ганжа ака. Нима учун «Пахтакор» — Болгария командалари футбол-концерти олиб кўрсатилмади!

— Бу тадбир тижоратчилик асосида ўтказилаётган экан. Биз уни олиб кўрсатишга тайёр эдик. Аммо ташкилотчилари бунга рози бўлишмади.

«ЁШ ЛЕНИНЧИ» МУҲАРРИРИЯТИ САВОЛИ:

— «Ойнаи жаҳон» ва радионинг техника билан жиҳозланиш даражаси қандай! Гап шундаки, хусусан, бизнинг рўзнома журналистлари ҳалигача биронта диктофонга эга бўлгани йўқ.

— Ҳозирги пайтда хорижлик ҳамкасбларимиз тўртинчи ва ҳатто, бешинчи авлод техникаларидан фойдаланаяпти. Бизнинг ихтиёримизда эса учинчи авлод техникаси. Кўпчилик томошабинларимизнинг ҳақли эътирозларига сабабчи омил ҳам шу. Аппаратларни Шауляй заводидан оламиз. Бу йил жумҳурият ҳукумати олти миллион сўм маблағ ажратди. Яна бир миллион хориж валютасини бермоқчи. Ўзимиз ҳам ўтган икки йилда 50 минг хориж валютасини ишлаб топдик. Чет эл кинокомпанияларига Тошкентда ишлашларига ёрдам бериш эвазига тўпладик уни.

— Кадрлар тайёрлаш масаласи-чи!

— Ҳозиргача бизда махсус билимга эга бўлган бирорта тасвирчи ва режиссёр йўқ. 1991 йилдан бошлаб пойтахтдаги олий ўқув юртларида Ойнаи жаҳон ва радио учун мутахассислар тайёрлайдиган бўлимлар очмоқчимиз.

— Мабодо, бошқариладиган бозорга ўтиладиган бўлса, сизларда қандай ўзгариш юз беради!

— Энг аввало, бизни хўжалик ҳисобига ўтказишади. Бундан ташқари рақобатчи ойнаи жаҳон юзага келади. Ана шундай эҳтимол тутилаётган ўзгаришларга ўзимизни тайёрлаб боришимиз зарур.

М. АБДУРАҲМОНОВ, «Қишлоқ ҳақиқати» рўзномасининг Шўро қурилиши бўлими ходими:

— Ганжа Ёқубович, кенг жамоатчилик қатори Ўзбекистон ойнаи жаҳонидаги ижобий ўзгаришлардан биз рўзномачи журналистлар ҳам қувонмоқдамиз. Чунки фикримиз бор. Мақсадларимиз муштарак. Бироқ айрим кўрсатувларда кўтарилаётган мавзулар ўзининг долзарблиги билан ажралиб турса-да, мақсадга аниқ эришилмаётгандек туюлади. Бундан бир неча кун илгари намойиш этилган «Долзарб мавзу» кўрсатуви мени ниҳоятда тўлқинлантирди. Унда ҳарбийликни мажбуран тарк этган ўзбекистонлик (қўқонлик) йигитлар ҳақида ҳикоя қилинади. Мавзу долзарблигига шубҳа қилмаймиз. Бироқ ана шу кўрсатув билан миллионлаб оналаримиз, опа-сингилларимиз ҳаловати бузилмадимикан! Лавҳалардаги мулоқотлардан бирида фарзандини ҳарбийга юбориб бир йилга яқин ижобий мактуб олган онанинг алданганини айтилади. Бундан хизматдаги йигитларимиздан келаётган мактубларнинг ҳаммаси сохта экан-да, деган фикр туғилмасмикин!


— Биласизми, Муроджон, ҳар бир нарсани ҳар ким ўзича талқин қилади. Мушоҳада юритади. Аммо ана шу нарсадан ижобий хулоса чиқарган киши ютади. Шахсан менинг ўзим шу кўрсатувни кўриб сиз борган мулоҳазага келмадим.

«Дилдан суҳбат»ни «Ёш ленинчи» махсус мухбири Сувонқул РУСТАМ ёзиб олди.

МУҲАРРИРИЯТДАН: «Дилдан суҳбат» чоғида Ўзбекистон ССЖ ойнаи жаҳон ва радиоэшиттириш Давлат Қўмитаси Раиси Г. Ё. Ёқубовга саволлар кўп бўлди. Узоқ вилоятларда истиқомат қилувчи муштарийларимиз эса кечикиброқ қўнғироқ қилишди. Шунга қарамасдан, биз уларни мумкин қадар ёзиб олишга ва Қўмита Раисига етказишга ҳаракат қилдик. Аммо «Дилдан суҳбат»га сўнгги сўз ўрнида айтмоқчи бўлганимиз бошқа нарса. Гап шундаки, шу куни берилган саволларнинг аксарият қисми муайян ижрочи ёки шу сингари алоҳида кўрсатув ва эшиттиришлар хусусида бўлди. Яна қандай кўрсатувлар ташкил этиш мумкин! Жамиятимиздаги ва кундалик турмушимиздаги қандай муаммолар ойнаи жаҳон ёки ҳаво мавжлари эътиборидан четда қолиб кетаётир! Ҳозирча рақобатсиз ишлаётган бу қудратли оммавий ахборот воситасининг яқин келажакдаги истиқболи қандай бўлади! Муштарий, томошабинлардан кўпроқ ана шундай саволлар кутилган эди.

Бироқ...

— Муштарийларингиз билан бўлиб ўтган бу мулоқот барибир иш фаолиятимизга анча туртки бўлади. Биз мухлисларимизнинг нима билан яшаётганини, қайси кўрсатув ва эшиттиришларимизга кўпроқ эътибор беришаётганини билиш имкониятига эга бўлдик. Ойнаи жаҳон ва радионинг ҳали халқимиздан қарзи кўп. Ўз навбатида биз ҳам тезроқ уларнинг қалбига кириб боришга, орзу ва умидларини рўёбга чиқаришда яқин маслакдош бўлишга ҳаракат қиламиз,—деди Қўмита Раиси пировардида.



ИБРАТЛИ ТАШАББУС

Гўзал Фарғонанинг Ғозиғиждон қишлоғи Ленинград ноҳиясидаги кўҳна қишлоқлардан бири. У йилдан-йилга ободонлашиб, кўрк очиб бормоқда. Қишлоқ аҳли ташаббускор, меҳнатсевар. Айниқса ёшларини айтмайсизми. Жумладан, Бахтиёр Турсунов, Қосимжон Ҳасанов сингари ташаббускор ёшлар тенгқурларини фойдали тадбирга жалб қилишда фаоллик кўрсатишмоқда. Жумладан, ўзлари истиқомат қилиб турган Охунбобоев номли жамоа хўжалиги раҳбарлари кўмаклашишса, кўпгина ибратли ишларни амалга ошириш ниятида эканликларини изҳор этишди! Жамоа хўжалиги бошқарув ҳайъати, фирқа қўмитаси, касаба уюшмаси ва комсомол ташкилоти уларнинг ташаббусини қўллаб-қувватлади. Қишлоқда «Ёшлар маркази»ни ташкил этишга қарор қилишди.

Охунбобоев номли жамоа хўжалиги ноҳиядаги йирик, сертармоқ хўжаликлардан бири. Бу йил хўжалик пахтакорлари 1214 гектар ерда пахтадан мўл-ҳосил етиштиришди. Меҳнат жамоаси ҳар гектар ердан 28,9 ўрнига 35 центнердан ҳосил йиғиб-териб олиш учун курашмоқда.

— Ғозиғиждон ёшлари ташаббуси билан чиқишганидан жуда қувондим, — дейди жамоа хўжалиги раиси У. Эгамов. — Анчадан буён ана шундай ташаббускор ёшларнинг чиқишини орзу қилардим. Уларнинг куч-ғайрати етарли. Шу ташаббус хўжалигимиз, қолаверса, ноҳиямиздаги қишлоқларга ҳам кенг ёйилмоқда.

Ғозиғиждондаги «Ёшлар маркази»да нималар бор? Бу саволга бир сўз билан ёшлар учун зарур нарсалар мавжуд деб айтиш мумкин. Волейбол майдони, кутубхона, шахмат-шашка ва бошқа кўнгилочар ўйинлар учун зарур ашёлар мавжуд. «Ёшлар маркази»да иш юритиш кенгаши тузилган. Унинг аъзолари турли учрашувлар, Совет Армияси сафларига йигитларни кузатиш ва кутиб олиш маросимларини, никоҳ кечаларини ўтказишда фаоллик кўрсатишмоқда.

Бахтиёржон Турғунов 9-мактабда ишлайди. Ишдан бўшади дегунча марказга югуради. У турли тадбирларга бош-қош.

«Ёшлар маркази» аъзоларининг, фаолларининг мақсадлари, вазифалари кенг кўламли. Уларнинг ўз ҳаракат дастури бор. Унда нафақат турли тадбирлар уюштириш ва ўтказиш назарда тутилибгина қолмай, балки қишлоқда осойишталикни сақлаш, халққа хизмат кўрсатувчи савдо ва маиший хизмат шохобчаларининг ишини назорат этиш, ишсиз йигит-қизларни иш билан таъминлашга кўмаклашиш масалаларини ҳам ўз олдига қўйган.

— Ғозиғиждонликлар ташаббуси ноҳиямизда кенг қанот ёзиши учун барча ишларни қиламиз, — дейди ноҳия фирқа қўмитасининг биринчи котиби Нуъмонжон Исмоилов. — Бу соҳага комсомол қўмитаси бевосита раҳбарлик қилади, албатта.

Яхши ташаббуснинг қаноти бор, деб бежиз айтишмаган. Бу ибратли ташаббус жумҳуриятимизнинг ҳар бир қишлоғига кенг ёйилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ.

* * *

Суратларда: Ленинград ноҳияси, Охунбобоев номли жамоа хўжалиги ҳудудида жойлашган Ғозиғиждон қишлоғидаги «Ёшлар маркази» кенгаши раиси Бахтиёржон Турғунов жамоа хўжалиги комсомол ташкилоти котиби Дилшод Нортожиев, ветлобарант Собиржон Эгамов, муаллим Аҳмаджон Маматқулов билан. (Ўнгдаги сурат).



Шерқўзи Йўлдошев мазкур жамоа хўжалигида ҳисобчи бўлиб ишлайди. У байналмилалчи-жангчи, «Жасурлиги учун» медали нишондори. Уни қишлоқ ёшлари орасида тез-тез учратиш мумкин. У ҳам марказнинг фаолларидан бири.

Суратларни муаллиф олган.

«...ЛЕОНИД ИЛЬИЧ ЎЗИ ҲАҚИДА ЯХШИ ХОТИРА ҚОЛДИРДИ»

ЮРИЙ ЧУРБАНОВ, МАҲБУС, 1979-1985 ЙИЛЛАРДА КПСС МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИ АЪЗОЛИГИГА НОМЗОД, СССР ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРИНИНГ БИРИНЧИ МУОВИНИ, ГЕНЕРАЛ-ПОЛКОВНИК.

А. К. Бироқ Цвигун нима ҳақдадир Брежневга маълумот берган. Мана шу маълумотнома ўз-ўзини ўлдиришга сабаб бўлган деб гапиришади.

Ю. Ч. Бу сафсата. Сафсата. Нима учун Андропов Цвигунни жўнатиб юборди? Агар билишни истасангиз, бу жуда нозик ахборот — уни ошкор қилиш мумкин эмас. Кимда ахборот бўлса, шу киши маълумот беради, бунинг устига кимга ана шу ахборот зарур бўлса.

А. К. Яхши, Юрий Михайлович, сиз Брежнев билан қандай танишгансиз?

Ю. Ч. Биз Галя билан турмуш қуришга қарор берганимизда, у мени отасининг олдига — дала ҳовлига таклиф қилди. Бироқ бу қарор ўйламай-нетмай эмас, Андрей Викторович, балки узоқ давр фикр-мулоҳаза юритиш орқали қабул қилинган.

А. К. Сизда иккиланишлар бўлганми? Ҳатто сиздан мана бундай деб сўрамоқчиман: шундай даврага тушаётганингизга, у ерда ҳокимият алмашган пайтда муаммолар пайдо бўлиши мумкинлигини англаганмисиз?

Ю. Ч. Даставвал инсоний иккиланиш бўлган, албатта. Кўрпамга қараб оёқ узатаяпманми? Иккинчи томондан, сиз айтганлар тўғрисида иккиланиш ҳам бўлган. Ҳеч нарса абадий эмас, нима бўлади, қандай бўлади... ҳаммаси пешонага ёзилгани. Ахир шундай бўлмаслиги мумкинми? Лекин мен, Андрей Викторович, бирор бир манфаатпарастлик мақсадини кўзлаб уйланган эмасман. Агар Чурбанов мутлақо тентак бўлганда, матбуотда ёзишаётганидек, Леонид Ильич менга погонлар тақмаган, орденлардан тортиб, медалларгача бермаган бўларди. Бош котиб куёвга генераллик зарбоф шнурлар тақиб қўйинг, деб шип-шитиши мумкин эмас-ку. Узоқ йиллар мобайнида Леонид Ильич ва рафиқам томонидан эшитган ягона таънам — бу ишга бутунлай берилиб кетганлигим бўлган. Мен уйга жуда камдан-кам ўз вақтида келардим. Иш куним эрталаб соат 7.20 да бошланиб, «Вақт» программасидан сўнг (одатда уни ишда наридан-бери кўрардим, ўша ерда, ишда овқатланардим) қайтардим. Яъни бу соат 22 дан эрта бўлмасди.

Леонид Ильич ва Виктория Петровна билан дастлабки учрашув эса мана бундай бўлганди. Биз ЗАГСга ариза беришга қарор қилдик. Галя эса мени дала ҳовлига ота-онасининг олдига таклиф қилди. Мен у ерга кундузи бориб, Виктория Петровна билан танишдим. У лаззатли таом билан меҳмон қилди ва Леонид Ильич соат 7 ларга яқин келишини айтди. Танишув. Аҳволим эса тушунарли эди, албатта. Оддий инсон билан эмас. Олий даражали амалдор, бир сўз билан айтганда, ҳис-ҳаяжоним етарли даражада эди. Лекин Виктория Петровна, ҳатто олий маълумотга эга бўлмай туриб, шунчалик дилбар ва гапни шундай ўзанга солиб юборар ва йўналтирар эдики, сиртдан қараганда стол теграсида икки яхши таниш бўлган киши хотиржам турмушнинг турли хил мавзуларида суҳбат қураётгандек эди. Биз Галя билан кечқурун кино залда бўлиб, фильмлар томоша қилдик. Ҳаттоки, мен Леонид Ильич қандай қилиб кириб қолганлигини ҳам сезмай қолдим. Фақат нур фонида: кулранг қоракўл телпак кийган миқти кишининг турганини кўрдим. Мен ўрнимдан турдим, у эса: «Ҳа, Юрий сенмисан?» деб сўради. «Ҳа, менман» дедим. Шунда у: «Нимага бунча новчасан?» — деди. Мен ҳазил билан жавоб бермоқчи бўлдим, аммо бу ҳазилим чиқмади. У эса: «Яхши, ечиниб чиқаман, кейин кечки овқатга ўтирамиз ва гаплашамиз» — деди. Мана шундай қилиб, танишув юз берди. Кейин кечки овқат келтирилди. Леонид Ильич, Виктория Петровна ва биз Галя билан ўтирдик. У «Қарорингиз жиддийми?» — деб савол берди. Ҳам мендан, ҳам Галядан сўради. «Ҳа, биз ўйлаб кўрдик». Мен ҳам «Ҳа», деб айтдим. Леонид Ильич қаерда ишлашим билан қизиқди. Мен эса СССР Ички ишлар вазирлигининг қамоқхоналар, ҳозир ўзим ўтирган айни минтақасига раҳбарлик қилувчи сиёсий бўлим бошлиғининг ўринбосари лавозимини эгаллаб турардим. У ҳеч қандай эътибор қилмади, афтидан ким ва қандай лавозимда эканлигимни билиши кўриниб турарди. Биз 71- ёки 72-йил апрелида никоҳдан ўтдик, Леонид Ильичдан ҳеч қандай квартира олганимиз йўқ. Америка элчихонасидан унча узоқ бўлмаган Садовой халқасидаги оддий уйдан қарийб бир йилга хонани ижарага олдик. Уй соҳиблари эр ва хотин хорижга кетишди, бир хона эса қулфланган бўлиб, уларнинг буюмлари ўша ерда турарди, бизнинг ихтиёримизда бошқа хона, ванна ва ошхона бор эди. Биз мана шундай яшадик. Леонид Ильич бемулоҳаза қарор қабул қиладиган инсон бўлмаган. Ўз-ўзидан аёнки, менинг ҳеч қандай хизмат машинам бўлган эмас. Менинг ишга боришим, хотинимнинг ҳам ишга бориши учун аҳён-аҳёнда «оилавий» машинани чақирардик. Озиқ-овқатлар буюрганимиздагина машина келарди. Биз деярлик бир йил мобайнида ижарада турдик ва ҳақини пул билан тўладик.

А. К. Леонид Ильич ўша заҳотиёқ оқ фотиҳа бердими?

Ю. Ч. Ҳа, кечки овқат пайтида.

А. К. Ана шу учрашувда сизда қандай ҳис-ҳаяжон бўлган?

Ю. Ч. Биз кечки овқатга ўтиргунимизга қадар қандайдир ноқулайлик бўлган, албатта. Лекин Леонид Ильич ўзини шундай эркин тутдики, айтишим мумкин, ёш суҳбатдошига ҳурмат билан муносабатда бўлди. Ўзининг ишчи бўлган ўтмишини яхши хотирлаб, менга ички ишлар органларида жиддий меҳнат қилишим зарурлигини айтди. Мендаги тортинчоқлик тарқалиб, стол устида овқатланаётган ва нималар ҳақидадир гапиришаётган икки киши руҳига айланди. Айтгандек, Леонид Ильич ҳазил-мутойибага мойил бўлган киши, ажойиб, дилкаш суҳбатдош эди. Биз хайрлашаётганимизда тортинчоқлик мутлақо тарқаб, бўлажак рафиқамнинг ота-онасига нисбатан ғоят хайрли туйғулар жой олганди. Мен ҳар ҳолда унга маъқул бўлдим, деб ўйлайман. Ёзишаётганидек, баланд бўйли, 181 сантиметрли, кенг елкали, қўй кўз эмасман. Менинг кўзларим қандай эканлигини билмайман, лекин фақат мана шунинг ўзгинаси эмас, ўша пайтда, менимча, Галина Леонидовнада куёвларга танқислик бўлган эмас. Улар подполковник Чурбановга нисбатан ҳам юқорироқ бўлишган. Ёш офицернинг хизмат мавқеи қандай бўлиши ҳали номаълум эди. Бу ўринда ўзимни қўлга ола билмасам, унда мижғовланиб қолиш билан ҳеч қандай қўллаб-қувватлаш ёрдам бермаган бўларди. Фақат йиғинчоқлик, имтизомлилик ёрдам берди... Леонид Ильич эса ўзи ҳақида яхши хотира қолдирди. Яхши хотира.

А. К. Сиз ҳеч қачон Брежнев билан борди-келдига бормаганмисиз? Ҳаммаси осон ва ғуборсиз бўлганми? Ёки қийин йиллар ҳам бўлганми?

Ю. Ч. Қийин йиллар фақат у бетоб бўлганида, шу 70-йилларнинг охирида бўлган. Шундай... У бизни ҳамиша Галя билан Қримга, дам олишга таклиф қиларди. Биргаликда борардик. Ана шунда мен уни яқиндан кузатардим. Унинг иш куни Қримда эрталаб соат 8 дан бошланарди. Ёрдамчиси ёки икки ёрдамчиси билан у ўз хонасига кириб кетарди. Қаерда яхши ҳосил кутилаётган бўлса, ўша ўлка ва вилоят қўмиталарининг раҳбарларига қўнғироқ қилиб гаплашарди. Леонид Ильич баъзи бир Сиёсий бюро аъзолари истасалар ҳам ноннинг нархини оширишга қарши бўлган. У мен тирик эканман, мамлакатда ноннинг нархи оширилмайди, дерди ва ҳосилнинг аҳволи учун ҳамиша ғоят куйинарди. Леонид Ильич оиласида ҳеч қачон асабийлик, ҳаттоки ишдан ҳориш унинг чеҳрасидан кўринмасди... У буни ошкора қилишга ҳаракат қилмасди. Кўпинча уйга фақат кечки соат 7 дан кейин қайтиб келарди, лекин мабодо дармонсизлик ҳис қилса, унда эртароқ қайтарди. У амалда фақат овда ҳордиқ чиқарарди. У ерда ҳам иш бўларди. Ҳамиша эмас, вақти-вақти билан хоккейга боришни ёқтирарди. У таклиф қилганида бир ёки икки маротаба бирга борганман. Леонид Ильич Виктория Петровнага ғоят ҳурмат билан муносабатда бўларди, Галя ва Юрани ўз фарзандларини, набирасини севарди. Умуман у яхшигина оиламанд одам эди. Дилкашлик, ҳаттоки нимагадир қайғуришлик — булар унга хос бўлган. Катта давлатда ҳамиша ҳам ҳаммаси юришавермаганида қайғурарди.

А. К. У уйида ишлармиди ёки ишда дам олармиди?

Ю. Ч. Биласизми, у уйида мутлақо ишдан холи бўларди. Мабодо, бирор бир қўнғироқ бўлмаса ёки махсус чопар келмаса. Командировкадан кейин Леонид Ильичнинг дала ҳовлисига борганимизда ҳамиша: «Хўш, қандай бориб келдинг?» — деб сўрарди. Агар мен сўзлаб бермасам, шу билан узилиб қоларди. У ишдан ҳорирди.

А. К. Ҳозир ҳеч ким Брежнев ва унинг Сиёсий бюроси мамлакатни издан чиқарганига шубҳа қилмайди. Сиз қандай деб баҳолайсиз?

Ю. Ч. Бу ҳақда менинг ҳукм қилишим жуда қийин. Яна бир бор такрорлайман: мен фақат ўз ваколатим доирасида иш кўрганман. Мени ҳеч бир Сиёсий бюро аъзоларининг даврасига қўйишган эмас. Ахир мен «катта сиёсатдонлар» соҳасида бўлмаганман. Бироқ, ҳар бир давлат ва фирқа фаолиятида қандайдир яхши жиҳатлари ҳам бўлади, деб ўйлайман. Леонид Ильич ўзидан кейинги қолдирган мерос қандай — бунга, афтидан, тарихчилар ҳукм чиқариши лозим. Кейинчалик нимадир янада тушунарли бўлиб қолар, тарих — бу вақт ўтиши билан ҳамма нарсани ўз жойига қўядиган фан. Тарих буюк жарроҳ эканлигини қаердадир ўқиганман ёки эшитганман. Менимча, қадим замонда шундай дейишган. Эҳтимол, бу ҳақиқат...

А. К. Брежнев Сиёсий бюро аъзоларининг бирортаси билан дўстлашганми?.

Ю. Ч. Менимча, Андропов, Громико ва Устинов унинг катта ихлосига сазовор бўлишган.

А. К. Черненко-чи? Суслов-чи? Горбачев-чи?

Ю. Ч. Черненко сазовор бўлмаган. Суслов ҳам, Михаил Сергеевич 70-йилларнинг охиридагина КПСС Марказий Қўмитаси котиби этиб сайланган. Леонид Ильичнинг Горбачев ҳақидаги фикри унча ёмон бўлган эмас ва шундай деган: Марказий Қўмитага ёш кадрлар зарур. Ҳаётининг охирида бу муаммо уни, айниқса, тўлқинлантирган.

А. К. Сизнингча, Брежнев мамлакатдаги ишнинг ҳақиқий аҳволидан хабардор бўлганми? Ёки ундан буни яширишганми?

Ю. Ч. Бехабар бўлган. Мен бир маънода жавоб беришим мумкин. Тўла миқёсда билмаган. Мен командировкадан қайтиб келганимдан сўнг баҳам кўрадиган ахборотлар унинг учун мутлақо янгилик эканлигидан ҳам кўриш мумкин. Биринчи навбатда гап мамлакатни озиқ-овқат билан таъминлаш ҳақида бормоқда. Бир куни у ишхонамга қўнғироқ қилди ва Москва бозорларидаги нарх-наволар тўғрисида справка тайёрлашни сўради. (Ички ишлар Москва Бош бошқармаси шундай материални тезликда тайёрлаб берди). Айтгандек, бундай материални шаҳар фирқа қўмитаси ҳам бериши мумкин эди. Аммо Леонид Ильич менга мурожаат этди.

А. К. Демак, у шаҳар қўмитасига ишонмаганми?

Ю. Ч. Қандайдир маънода шундай. Иккинчи томондан, мен ҳеч нарсадан чўчимаган ҳолда тўла ва объектив ахборот беришим мумкин, чунки нарх-наво қаёққа қараб кетаётганлигини билардим. Лекин бундай қўнғироқ қилиш аҳён-аҳёнда бўларди.

А. К. Брежневга таъсир кўрсатганмисиз, сизга қандай туюлади?

Ю. Ч. Биласизми, мен бундай мақсадни ўз олдимга қўймаганман. Сафардан олган таассуротларимни шунчаки баҳам кўрганман ва ундан ҳеч нимани яширган эмасман. Мен у ҳамма нарсадан ҳам хабардор эмаслигини ҳис қилардим. Ҳозир қандай эканлигини билмайман-у, мен бўлган Сургутда ҳам, Нижневартовскда ҳам ўша йилларда уй-жой муаммоси жуда ўткир бўлиб турарди; Леонид Ильич катта қизиқиш билан тинглаган.

А. К. Энди айтингчи: сиз ҳамиша Леонид Ильични илоҳийлаштириб келдингизми? Ёки унинг раҳбар сифатида... нуқсонлари борлигини ҳар ҳолда юрагингизнинг чуқур жойида ўзингизни алдаётганлигингизни ҳам тушундингизми?

Ю. Ч. Ахир, Андрей Викторович, камчилик ҳар бир давлат арбобида ҳам, оддий бандада ҳам бор. Улар, эҳтимол, бир хилдир. Нуқсонлар ҳар бир инсонга хос.

А. К. Семичастний эсдаликларида Брежнев икки маротаба унга Хрушчевни ўлдиришни буюрганлигини ёзади. Сиз шунга ишонасизми?

Ю. Ч. Бу ўртоқ Семичастнийнинг ёши бир жойга бориб қолганлиги аломати эмасмикан?

А. К. Брежневнинг вафот этганлигини сизга ким хабар қилган?

Ю. Ч. Эрталаб тўққизлар атрофида ишхонамга Галина Леонидовнанинг қизи Витуся қўнғироқ қилди ва: «Зудлик билан дала ҳовлига етиб кел», — деди. Нима бўлди? — деган саволимга жавоб бўлмади. Мен тезда рафиқамнинг олдига, ТИВда ишхонасига бордим ва биз тез орада дала ҳовлига етиб бордик. Ётоқхонага кўтарилдик, у ерда Леонид Ильич ўлиб ётарди. Ёнида Виктория Петровна, соқчилик ходимлари туришарди. Кейинроқ Чазов етиб келди. Юрий Владимирович эса ўша жойда эди.

А. К. Вафот этган пайтида нега врачлар йўқ эди?

Ю. Ч. Гап шундаки, Андрей Викторович, Леонид Ильич врачларга кечқурун уйига рухсат бериб юборарди. У врач ҳам одам, у ҳам кечки вақтларини оиласида ўтказишни истайди, деб ўйларди. Тўққизлар арафасида Леонид Ильич овдан қайтиб келган. Унинг кайфияти яхши эди. Кечки овқатни танаввул қилиб, «Вақт» программасини, бир неча ҳужжатли фильмларни кўради. Соқчилик бошлиғига уни эрталаб соат 8 да уйғотишларини тайинлайди ва дам олишга кириб кетади. У эрталаб ишга бориб, 15 ноябрда ўтказилиш лозим бўлган фан-техника тараққиёти юзасидан Марказий Қўмита Пленуми материалларини яна бир бор кўриб чиқмоқчи эди. Врач қон босимини ўлчайди — буни менга Виктория Петровна гапириб берди. Босим 80 га 120 бўлган. Леонид Ильич ўз хонасига кириб, врачларга эса рухсат бериб юборади. Бунинг ҳаммаси саҳарга яқинроқда бўлган. Мана шундай тўсатдан ўлим юз берган.

А. К. Ҳаёт шундоқ Леонид Ильичнинг кўз ўнгида ўтиб кетди, сиз бирорта, айтайлик, Андропов ёки тўсатдан Горбачев ҳокимият тепасига келиб, йўлни ўзгартириб юборишидан қўрқмадингизми?

Ю. Ч. Билмасдим... Ҳокимият алмашинишини ҳамиша қандай йўлни алмаштиришга қиёслашади. Очиғини айтганда бу масалалар устида ўйлаб кўрмаганлар. Юрий Владимирович менга—аввало ички ишлар вазирининг муовини сифатида яхши муносабатда бўларди. Агар эсингизда бўлса, 80-йилларнинг бошида Оржоникидзеда оммавий тартибсизликлар юз берганди. Мен у ерга ўртоқ Соломенцев билан бирга учиб бордим. Беш кун мобайнида эса ўт очиш қуролларини қўлламасдан, кишиларнинг қонини тўкмай бу ишни муваффақиятли поёнига етказдик. Ички қўшинлар қонунларга амал қилиш доирасида ҳаракат қилдилар, биз камендантлик соати ёки фавқулодда ҳолат эълон қилганимиз йўқ, бундай қилишни КПСС Марказий Қўмитаси тақиқлади.

А. К. Нега сизлар уддаладингизлар-у, ҳозир эса уддалаша олмаяпти? Қандай деб ўйлайсиз?

Ю. Ч. Аъзойю-бадан бетоблана бошлаганда уни олдинроқ даволашга ҳаракат қилиш лозим, кейинчалик у мана шундай жалалаб кетади...

А. К. Аммо ҳозир барча сабабиёти айни «турғунлик йилларида» деган нуқтаи назар мавжуд. Нима биз қандайдир маънода ўша вақтдаги ИИВ сиёсатига қараганда бўшаштириб юборганмизми?

Ю. Ч. Бизни кишилар тушунишарди, бизга эса одамлар ишонарди.

А. К. Энди бутунлай ишонишмайдими? Сиз қандай деб ҳисоблайсиз?

Ю. Ч. Айтиш қийин. Лекин мана шундай оғир аҳволга тушган инсон сифатида менга маъқул эмас.

А. К. Сиз генерал унвонида ва Шчелоковнинг биринчи муовинлигида ўзингизни ишончли ҳис қилганмисиз? Ёки сиз аралашмасликни афзал кўрган баъзи бир масалалар бўлганми? Сиздан қўрқишармиди, сизнингча қандай?

Ю. Ч. Шахсан қониқиш ҳосил қилмаслигим шундан иборат эдики, Андрей Викторович, шундай лавозимда турган пайтимда катта кўламдаги билимлар етишмасди. Аниқроғи бундай; мамлакатдаги ишнинг аҳволи тўғрисида ахборотлар етишмасди. Шунинг учун бошқа муовинлардан фарқли ўлароқ кўп маротаба командировкаларда бўлганман.

А. К. Шчелоков тўғрисида нима деб ўйлайсиз, Юрий Михайлович?

Ю. Ч. Шчелоков Ички ишлар вазири сифатида — бу шахс. Шчелоков тўғрисида кўпгина салбий мақолаларда қарши гап бораётганлигини, менинг ҳам жиддий муҳолифларим борлигини тушунаман, лекин ахир, Андрей Викторович, қамоқда бўлганнинг йўқотадиган ҳеч вақоси йўқ. Ҳозир матбуот тақдим этаётгандек ҳеч қачон яқин бўлмаганимни айта оламан, бу суҳбатимизнинг фақат майда-чуйдаси, холос. Шчелоков бу мустақил мушоҳада қилувчи инсон; кўп йиллар давомида, айниқса дастлабки йилларда, у мамлакатдаги жиноятчиликнинг илдизини чуқур ўрганди. Унинг борлигида ички ишлар органлари ҳалқда бирмунча ҳурматга сазовор бўлганди. Эндиликда бундай «ҳурмат»ни яратишда журналистлар ёрдам берган, деб айтишмоқда. Бироқ, бирор бир журналист, мабодо, у ёмон ишлаётган бўлса, бирор орган тўғрисида шошиб-пишиб ҳикоя қилмайди-ку. Милиция учун моддий жиҳатдан кўпгина ишлар амалга оширилди; Вазирлар Кенгаши 1981 йилда органлар ходимларининг пулини ошириш тўғрисидаги масалани ҳал этди. Аввал лейтенант унвонига 30 сўм олинса эндиликда 100 сўм олинаяпти. Бу ишимизга янги туртки бағишладими? Шубҳасиз. Мен ҳозир Шчелоковнинг вазирликдан ташқаридаги турмуш тарзи тўғрисида гапираётганим йўқ. Аммо менга ва коллегия аъзоларига унинг серғайратлиги, қизиқарли саволлар топишга моҳирлиги ўзига тортарди. Айтгандек, у хорижий тажрибани дастак қилиб, аёллар ва ўсмирлар учун узоқ муддатли жазо берилишига бирор бир маротаба ҳам норозилик билдирган эмас. Шчелоков бутун тергов аппаратини Прокуратурага бўйсунишдан чиқаришни ва уни ИИВга бўйсундиришни таклиф қилган — бундан катта наф тегишини кўра билган. Нима бўлди денг. Прокуратура терговни ҳам олиб боради, уларни назорат ҳам қилади, бунда ҳозирги сингари хатоликлар ҳамиша шундай ёнма-ён бўлади. Шчелоков кадрларга нисбатан эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлган. Мен номенклатурага кирувчи бирор бир шахснинг тақдири букилиб, органлардан шармандаларча ҳайдалганлигини, чекинаётган киши атрофида сунъий равишда фожиавийликни авж олдирилганлигини эслай олмайман. Сиз бир тасаввур қилиб кўринг, Андрей Викторович, йирик саноат шаҳри ёки вилоятининг ИИБ бошлиғини. Ахир унинг зиммасига ғоят муҳим иш жабҳаси — ҳам сиёсий, ҳам жиноий иш жавобгарлиги юкланган бўлди. Майли, у хато қилди, бирор-бир нарсани кўнгилдагидек ҳал қилмади дейлик... Аммо келинг, торози палласига: бир томонига унинг кўп йиллик бенуқсон хизматини, ишга ажойиб муносабатини, иккинчи томонга, у йўл қўйган хатти-ҳаракатларни солиб кўрайлик. Палланинг қайси томони босади? Генералнинг бошини ейиш, уни органлардан шармандаю-шармисорлик билан ҳайдаш, судга бериш, уни форма, орденлардан ва кексайган чоғида пенсия таъминотидан маҳрум этиш зарурмикан?

А. К. Шчелоковнинг қандай нуқсонлари бўлган?

Ю. Ч. Сўнгги вақтларда унда мақтанчоқлик пайдо бўлган эди. У кўпинча: мана мен Леонид Ильичнинг ҳузурида бўлдим, Леонид Ильич вазирлик фирқаларига салом топширишимни сўради ва ҳоказолар, дерди. Леонид Ильич эса айтгандек, уни ўзидан узоқроқда тутарди; мен оқшом вақтида камдан-кам бўлса ҳам уни дала ҳовлисида бўлганимда ёки қандайдир тантаналарда ҳеч ҳам Шчелоков бўлмасди. У Брежневнинг хонасида тез-тез бўлиб турармиди? Маълумотларимга кўра бот-бот бўлган эмас. Ахир биз ким ва қаерга кетганлигидан ҳамиша хабардор бўлганмиз. Леонид Ильич уни қўллаб-қувватлаганми? Эҳтимол, қўллаб-қувватлаган, ҳар ҳолда муҳим вазирлик. Лекин шу билан бир вақтда Шчелоковни Сиёсий бюрода эшитишган пайтда ўша Шчелоков Николай Анисимович, Леонид Ильичнинг яқин дўсти бўлмай, ҳозир ана шундай деб тасвирлаётганларидек, Шчелоков бутун масъулиятни зиммасига олган вазир ўртоқ Шчелоков бўлган.

А.К. Нима учун Андропов Шчелоковни шунчалик ёқтирмаган, сизнингча, нимага?

Ю. Ч. Бу томонидан мутлақо бехабарман.

А. К. Сиз нима деб ҳисоблайсиз, ИИВ системасида порахўрлик мавжуд бўлганми? Сиз вазирнинг собиқ биринчи муовини сифатида бу тўғрида нима деб ўйлайсиз?

Ю. Ч. Ҳатто бу ерда, колонияда турган ҳолда, ана шундай порахўрлик, ҳар ҳолда у ҳақда ёзишаётганидек, бўлганми? — дея кўпинча ўйга толаман. Ҳозирча жавоб топганимча йўқ.

А. К. Буни тасдиқловчи ёки инкор этувчи далилларингиз борми?

(Давоми бор).

(Боши ўтган сонларда).

Хорижидан хабарлар

Телетайп лентасидан

БЕРЛИН. ГДЖ ГФЖ таркибига кирганидан кейин Демократик Социализм фирқаси (ДСФ) жамоатчилик фикрини шакллантиришда конституция асосида қатнашаверади. ДСПнинг февраль ойида бошланган съезди ўз ишини давом эттираётган пайтда унинг 545 нафар делегати мана шундай қарор қабул қилди. 3 октябрдан кейин, яъни иккала герман давлати бирлашганидан сўнг ГФЖ фуқаролари ва у ерда яшовчи ажнабийлар фирқа сафига киришлари мумкин, деган қарорни ҳам делегатлар қабул қилишди.

ГДЖ тез орада федератив жумҳурият таркибига киражаги муносабати билан фирқа уставига ўзгартишлар киритиш зарур бўлиб қолди.

Фирқа съезди одатдан ташқари йўл тутиб, кун тартибида муҳокама бўлмай қолган озгина бандларни кўриб чиқиш учун яна делегатлар сайламаслик учун қарийб ярим йил аввал бошланган ишни давом эттиришга қарор берди.

* * *

Иккала герман давлатининг келгусидаги бирлашувини ГФЖ канцлери Гельмут Коль инсониятнинг ҳозирги тарихидаги мислсиз воқеа деб атади. Ҳали ҳеч қачон урушларсиз ва қон тўкмасдан, қўшниларнинг маъқуллаши билан мамлакат бирлигига эришилмаган эди, деди канцлер Дрездендаги митингда сўзлаган нутқида. Шу муносабат билан у ГДЖ фуқароларига, ГФЖнинг иттифоқчиларига ва СССР Президенти М. С. Горбачевга миннатдорчилик билдириб, М. С. Горбачев «совуқ уруш тугатилиши кераклигини Шўро раҳбарлари орасида биринчи бўлиб тушунди», деди.

ПРАГА. Ҳукумат таклиф этган иқтисодий ислоҳотни таҳрир қилишни ЧСФЖ федерал мажлисининг депутатлари талаб қилган эдилар. Шу талабга биноан текшириш ўтказган парламент экспертлари ислоҳот концепциясига шубҳа билдирдилар. Чехословакия парламенти иқтисодиётини тубдан ислоҳ қилиш лойиҳасини муҳокама қилишга киришмоқда. бу ўзгартишлардан кузатилган асосий мақсад буйруқбозлик-маъмуриятчилик усулидан эркин бозорга ўтишдир.

Бозор иқтисодиётига ўтиш йўли яқиндагина туюлганичалик силлиқ ва осонгина бўлмаслиги мутлақо равшан. Мамлакат қонун чиқарувчи олий органи иккала палатаси қўмиталарининг мажлисида ўтган ҳафтада таклиф қилинган ислоҳот лойиҳаси хусусида бир талай танқидий мулоҳазалар айтилди. Таниқли олим, Прага иқтисодиёт институтининг профессори Милан Матейканинг фикрича, ҳукумат концепцияси ҳақиқий аҳволдан ажралиб қолган ва фақат илмий таҳлиллар асосига қурилган. У иқтисодий ўсишнинг молиявий барқарорликка қарамлигини ҳам рад этди.

Ҳукумат лойиҳаси муҳолифларининг нутқларида, жумладан, ислоҳотнинг ҳукумат концепцияси жорий этилиши 20 фоизлик ишсизликка олиб боради, деб таъкидланди. Аммо бу рақам ҳам тахминийдир. ЧСФЖ меҳнат ва ижтимоий ишлар вазирлигининг маълумотларига кўра, келгуси йилдаёқ мамлакатдаги ишсизлар 400—500 минг кишига етиши мумкин.

ВАШИНГТОН. Президент Жорж Буш ўртага қўйган вазифаларни бажариш мақсадида Форс кўрфазида АҚШ қуролли кучлари тобора кўпайтириб борилмоқда, деди Президентнинг миллий хавфсизлик масалалари билан шуғулланувчи ёрдамчиси Брент Скоукрофт якшанба куни Си-Би-Эс телекомпанияси мухбири билан суҳбатда. «Биз у ерда вужудга келган вазиятга мувофиқ куч-қудрат тўплаяпмиз, — деди у. — Ироқ ихтиёрида 900 минг кишилик қуролли кучлар борлигини эсда тутиш керак... Саддам Ҳусайн бизнинг ниятларимиз жиддийлигини билишини хоҳлаймиз».

НЬЮ-ЙОРК. АҚШ маъмуриятининг сиёсатини, аввало унинг Форс кўрфазидаги ҳозирги вазиятга ёндашувини кўпчилик америкаликлар маъқуллашмоқда. Нуфузли «Тайм» ҳафтаномаси Си-Эн-Эн телекомпанияси билан биргаликда жамоатчилик фикрини билиш мақсадида ўтказган сўнгги савол-жавобнинг якшанба куни бу ерда эълон қилинган натижалари шундан дарак беради.


Саволларга жавоб қайтарганларнинг 71 фоизи Жорж Бушнинг Оқ уй бошлиғи лавозимидаги фаолиятини ёқлаган. Савол-жавоб қатнашчиларнинг бундан ҳам кўпроғи — 75 фоизи Ироқнинг Қувайтга бостириб кириши оқибатида келиб чиққан можарога аралашиб, АҚШ Президенти тўғри йўл тутди, деган фикрда турибди. Уларнинг 18 фоизи бунга қарши фикрни билдирди.

500 киши иштирокида ўтказилган тадқиқот якунларидан маълум бўлишича, аксарият американиклар бу можарони ҳарбий воситалар ишлатмай бартараф қилиш керак, деган фикрга мойилдирлар. Улардан 59 фоизи Ироқни Қувайтдан ўз қўшинларини олиб кетишга мажбур қилиш учун унга қарши жорий этилган иқтисодий қамални давом эттиришни ёқлаб чиқди. 19 фоизи эса, аксинча, бу мақсадга эришиш учун Ироққа қуролли ҳужум қилиш керак, деб ўйламоқда. Саволларга жавоб қайтарганларнинг 16 фоизи эса Форс кўрфази атрофидаги Америка қуролли кучларини қисқартириш керак, деган фикрни билдирди.

ИСЛОМОБОД. Ҳиндистон билан Покистон ўртасида Кашмирдаги чегара чизиғида аҳвол кейинги вақтда анчагина чигаллашди. Покистон матбуотининг хабарларига қараганда, Музаффаробод шаҳридан тахминан 160 километр шарқда жойлашган Кел тоғ довони атрофида жуда хавфли вазият вужудга келган.

Бир-биридан бир километр масофада турган Покистон ва Ҳиндистон қўшинлари июлнинг иккинчи ярмидан бошлаб тўп ва минамётлардан бир-бирларига қарши доимий ўқ отиб туришибди. «Нейшн» рўзномасининг таъкидлаб ёзишича, отишма давомида иккала томон талофот кўрди. Шу рўзнома довон атрофидаги вазиятни тасвирлаб, ҳақиқатда у ерда ҳозирнинг ўзидаёқ «сустроқ жадалликдаги жанговар ҳаракатлар» давом этмоқда, деб ёзади.

(СИТА).



Ҳар жойнинг ўзига хос қонуниятлари, шарт-шароитлари бўлади. Таиланд олийгоҳларида кириш имтиҳонлари билетлари суратда кўриб турганингиздек, муҳрланган жилдларда қўриқчилар иштирокида келтирилади.

Б. ЧЕХОНИН сурати (СИТА).

СОФИЯДА ҒАРОЙИБ ШИФОХОНА

СОФИЯ, 17 сентябрь. (СИТА мухбири Андрей Смирнов). Москвалик машҳур экстрасенс Жуна мактабини тугатган бир гуруҳ шифокорлар соғлиқни сақлаш соҳасида давлат яккаҳокимлиги тартибини бузишди. Улар София шаҳрида ўзларининг «Биорелаксация» фирмаларини очишди. Мазкур фирманинг пойтахтда ноанъанавий табобат йўли билан даволайдиган иккита шифохонаси бор. Қобилияти турлича бўлган экстрасенслар беморларнинг соғлиғини тиклаш билан шуғулланишмоқда.

«Биз сеҳргар эмасмиз, — дейди фирма ташкилотчиларидан бири доктор Эмил Милев. — Даволашнинг одатдан ташқари усуллари қандайдир ғаройиб усул, деб умид қилиш керак эмас. Асаблари таранглашган беморни эса даволай оламиз, асаб таранглиги кўпгина касалликларга сабаб бўлмоқда».

Судда экстрасенслар фирмаси эътирозсиз ва ҳеч қандай тўсиқсиз рўйхатдан ўтказилди. Лекин собиқ шериклар билан яхши муносабатлар ўрнатиш қийин бўлмоқда — уларнинг кўпчилиги «хусусий шифокорларни» қораладилар ва уларнинг билимдонлигини шубҳа остига қўйдилар.

«Бизникига ўхшаш фирмалар, маъмуриятчи-шифокорлар учун, айниқса, хавфлидир, — дейди доктор Милев, — Лекин бизнинг кўпгина ёш шерикларимиз бизлан ўрнак олишга жазм қиладилар, деб ўйлайман».

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

ТУМШУҒИДАН ИЛИНДИ

● ЗИМБАБВЕнинг Одзу шаҳрилик қассоб Ноэль Ньямахинда ўзида йўқ шод эди — чунки, у бозордан кўпдан бери орзу қилиб юрган нарсаси — каркидоннинг шохини харид қилганди. Шохни сотган Жим Петрос эса харидорни боплаб алдаганидан ўзини қўярга жой тополмасди — ахир дарахтдан ишланган шохни 500 долларга пуллашнинг ўзи бўладими!

Ноэль шохни олган куннинг эртасига дўстлари ва танишларига антиқа буюм сотиб олдим, деб роса мақтанди. Шунда шохнинг қалбаки эканлиги билиниб қолди. Дўстлари олдида роса уялиб қолган қассоб дарҳол шох сотувчини судга берди. Суд мажлисида Жим хотиржамгина, шохни амакиси сотиб бериш учун берганлигини, унинг қалбаки эканлигидан хабари йўқлигини айтди. Суд ҳаками сотувчининг амакисини товламачилиги учун қуйидагича жазолашга қарор қилди: ёки беш йил қамоқ жазоси, ёки минг доллар жарима!

ЯНГИЛИК БАҲОСИ ҚАНЧА ТУРАДИ!

● АМЕРИКАДА нашр этиладиган «Нешил инкуайер» ҳафтаномаси ўз муштарийларини энг янги хабар редакцияга неча сўмга тушиши билан таништирди. Ўтган йили рўзнома ходимларининг телефонда гаплашишлари нашриётга 352.754 долларга тушган бўлса, тайёра билетлари учун 353.530 доллар сарф бўлган.

ПОКЕР БЎЙИЧА ЧЕМПИОН

● ЛОНДОН шаҳрида яшовчи, асли эронлик бўлган Мансур Матлуб исмли йигит покер (карта ўйинининг бир тури) бўйича жаҳон чемпиони унвонига сазовор бўлди. Яқинда Американинг Лас-Вегас шаҳрида ўтказилган мусобақада Мансур 193 рақибини мағлубиятга учратди. Ушбу ғалабадан унинг топган маблағи 835 минг долларни ташкил этди.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ





ФАРҒОНАДА ЁШЛАР БАЙРАМИ



«Комсомолнинг обрўйи тушиб кетди». «Илгариги комсомоллар оловқалб эди». Бу сўзларни тез-тез эшитадиган бўлиб қолдик. Бизни ҳам шу фикр қамраб олганди. Лекин биз ўтган шанба ва якшанба кунлари Фарғона шаҳрида бўлиб, бу ерда ўтказилган вилоят комсомол ташкилотининг 70 йиллигига бағишланган байрам тантаналарини кўрганимиздан сўнг бу фикрдан бироз қайтдик. Ҳали комсомолнинг ишбилармон, ғайратчан, ташкилотчи етакчилари борлигига ишондик. Бу ерда ўтказилган турли-туман қизиқарли тадбирларни катта-ю кичик зўр қизиқиш билан томоша қилди.

Ноҳиялардан сўнг эстафетани Фарғона шаҳри қабул қилиб олганди. Тожикистон, Қирғизистон жумҳуриятлари, Ўзбекистоннинг турли вилоятларидан меҳмонлар оқиб кела бошлади.

Шубҳасиз, Фарғона комсомолининг ўзига хос тарихи бор. Абдулла Набиев, Ғофур Султонов, Мамадали Топиболдиев каби сиймолар номини ким билмайди дейсиз. Албатта, тамал тоши қўйилган чоғда 800 нафарга яқин аъзоси бўлган комсомол ташкилотининг энди 300 мингга яқин аъзоси бор.

Совет ҳокимиятини ўрнатиш, мусулмон ёшларини Ленинчи Коммунистик Ёшлар Иттифоқига бирлаштириш Фарғонада осон кўчмади. Қанча-қанча оловқалб комсомоллар эртанги кун учун жон фидо этдилар. Эндигина ярақлай бошлаган юлдузлар бўй кўрсатмай сўндилар. Қутлуғ байрам шодиёналари авлодлар номини ёд этиш билан бошланди. Комсомол ветеранлари, фаоллари В. И. Ленин ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйдилар.

«Ёшлар» кафесида ўтказилган комсомол барча авлодларининг учрашуви, айниқса, қизиқарли бўлди. Бу учрашувда комсомол ва фирқа ветеранлари, қўшни Ленинобод ва Ўш вилоятларидан келган меҳмонлар, жумҳуриятимизнинг вилоятлари комсомол қўмиталарининг биринчи котиблари сўзга чиқиб, ўтган даврдаги ибратли ишларни эсга олдилар ҳамда сафдошларини қутлуғ айём билан муборакбод этдилар.

Учрашувда вилоят фирқа қўмитасининг биринчи котиби Ғ. Фозилов ҳамда Ўзбекистон комсомоли Марказий Қўмитасининг биринчи котиби А. Носировлар нутқ сўзлашди.

Якшанба куни Фарғона шаҳри ёшларнинг чинакам сайилгоҳига айланди. Шаҳарнинг барча кўчаларида, маданият ва истироҳат боғларида, хиёбонларида, стадионларида ёш талантлар ўзларининг маҳоратларини намойиш этдилар. Аскиячиларнинг беллашувлари, дорбозларнинг чиқишлари, спортчиларнинг мусобақалари байрамга файз киритди. Болалар ўртасида ўтказилган эгизаклар баҳси, ерга расм чизиш каби мусобақалар ҳам қизиқарли бўлди.


Бу байрам ёшларнинг дам олишини мазмунли ва маданий ташкил қилишни янада кучайтириш шу куннинг энг долзарб талаби эканлигини амалда кўрсатди. Комсомол етакчилари байрам доирасида ташкил қилинган «Бир пиёла чой» даврасида ўзаро суҳбат қуриб, ёшлар олдида турган муаммолар ҳақида баҳслашдилар, ўз режаларини, ўртоқлашдилар. Илк бор тантанали мажлисбозликка, узундан узун маърузаларга чек қўйилди, ҳамма дилидагини айтди, қутлади, фикр билдирди.

Фарғонада ўтган ёшлар байрами — қайта қуриш ва ошкораликнинг чинакам айёмига айланди.

(Ўз мухбиримиз).

* * *

СУРАТЛАРДА: байрам тантаналаридан лавҳалар.
Аъзам МИРЗАЖОН суратлари.









Жумҳуриятимизда болалар китоби байрами давом этмоқда

Китобни кам ўқишадими ёки...

Шу кунларда жумҳуриятимизда болалар китоби ҳафталиги ўтказиляпти. Бу байрамда «Ташкнигторг»га қарашли 2-сонли китоб дўкони жамоаси ҳам қатнашмоқда. Мухбиримиз шу дўкон директори Анвар ака Фозиловга бир неча савол билан мурожаат қилди.

— Анвар ака, байрамга сизнинг жамоангиз қандай тайёргарлик билан келди?

— Байрамнинг ўтказилиши катталарнинг болаларга эътибор билан қараётганига бир мисолдир. Байрамга йил давомида тайёргарлик кўриб келаяпмиз, десак муболаға бўлмаса керак. Мана бизга базадан байрамда қатнашиш учун салкам 700 сўмлик 9-10 номдаги китоб ажратилди. Шу китоблар билан биргаликда дўконимиз жавонларида турган баъзи бир китобларни ҳам сотувга олиб чиқдик. Бизнинг мақсадимиз ўқувчига яхши китоблар тақдим қилиш.

— Сотувга қандай янги китоблар олиб чиқилди?

— Асосан ҳаммаси рус тилида. «Сказки дедушки Римуса», «Хранитель планеты», «Черноморцы» каби китоблар...

— Байрамга ажратилган китоблар орасида ўзбекча китоблар ҳам бордир?

— Тўғриси, бизга ажратилган китоблар орасида бир дона ҳам ўзбек тилидагиси йўқ. Лекин бир нарсани айтиб ўтай. Бизнинг ўзбек болалари китобни кам харид қилишади. Бу аччиқ ҳақиқатни тан олмай иложимиз йўқ. Ўзбек тилида чиққан кўпгина болалар китоблари жавонларда чанг босиб қолиб кетади. Байрамдан фойдаланиб уларни ҳам сотишга ҳаракат қилаяпмиз.

— Болалар китобни кам ўқишадими ёки ўқимишли китобларимиз камми?

— Тўғри, болалар китоблари орасида ўқимишли китобларимиз жуда кам. Аммо бир нарсани назардан қочирмайлик. Кичкинтойларнинг диди ҳам жуда ўткирлашиб кетгани йўқ. Болалар китобининг кам харид қилинишига бир томондан иқтисодий аҳволимизнинг ёмонлиги сабабдир. Баъзи ота-оналар болаларига китоб сотиб олиш учун маблағ ажрата олмайди. Айрим болалар китобининг нархи катталар китобининг нархи билан баробар. Болалар учун рангли суратлар билан безатилган, енгил ўқиладиган ва баҳоси арзонроқ китоблар керак. Мана бир мисол: хайрли ишга қўл урилиб «Детская энциклопедия» ўзбекчага ўгирилган эди. Лекин ҳозир бу китоб дўкон пештахталарида чанг босиб ётибди. Нега, биринчидан, баҳоси қиммат, иккинчидан болани ўзига жалб қиладиган рангли суратлари кам.

— Анвар ака, сиз нашриёт ва китобхон ўртасида турган воситачисиз. Болалар нашриётида бир қанча серияларда китоблар чоп қилиняпти. Масалан, «Жаҳон эртаклари» сериясидаги китоблар харидорлар томонидан қандай кутиб олинди?

— Жумҳуриятимизда болалар учун алоҳида нашриёт ишлаб тургани жуда қувонарли ҳол. Бироқ чоп қилинаётган ҳамма китоблар ҳам харидоргир эмас. «Жаҳон эртаклари» сериясидаги китоблар ҳали болалар қалбига йўл топа олгани йўқ. Чунки ундаги воқеалар бизнинг урф-одатимизга ёт. Бундан ташқари китоблар камбезак ва қиммат. Бизнинг болаларга енгил ўқиладиган, шарқона урф-одатларга мос, халқимиз тарихига оид китоблар зарур. Аслида вазифамиз келтирилган китобларни сотиш, реклама қилиш. Биз эса кўпроқ китоб сотишга тиришамиз.

— Мана, жумҳуриятимиз 1991 йилдан бошлаб бозор иқтисодиётига ўтади. Бозор иқтисодиётига ўтсак, ўз-ўзидан болалар китоби ҳам икки, уч баробар қимматлайди...

— Саволингизни тушундим. Бозор иқтисодиётига ўтсак, китобхонлар ҳам бир қанча қисқаради ва бизнинг ишимиз ҳам қийинлашади. Лекин болалар китоблари ҳақида бир оз ўйлаб кўришга тўғри келади. Мабодо болалар китоби ҳам қимматласа болаларимизнинг маънавий кўр бўлиб қолишига сабабчи бўламиз. Жумҳуриятимизда болалар фонди бор. Ҳар бир ота-она ҳар йили шу фондга пул ўтказишади. Агар шу фонд 1991 йилда чоп қилинадиган болалар китоблари нархининг маълум бир қисмини тўласа, шундай фонд борлигига ва болаларга ҳомийлик қилаётганига ота-оналар яна бир бор ишонишган бўларди. Ахир болалар келажагимиз.

— Мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат.

Мусоҳабани Жуманазар НУРИММАТОВ олиб борди.

Хушхабарлар

ГИЛАМЛАР шартномавий нархларда сотилмоқда. Самарқанд вилоятидаги «Жом» давлат хўжалигида Шарқ гиламлари тўқиш цехи ишлай бошлади. Бу ерда қирқдан зиёд гиламдўз ишламоқда. Уларнинг сифатлилиги ва ўзига хос нақшлари билан ажралиб турувчи маҳсулоти ниҳоятда харидоргирдир. Давлат хўжалиги чеварлари бу йил тўқийдиган барча гиламларни шартномавий нархлар бўйича қўшни Бухоро вилоятидаги савдо ташкилотлари сотиб олади. Хўжаликда халқ ҳунармандчилиги билан жами бир ярим мингга яқин киши шуғулланмоқда. Улар севимли иш билан шуғулланиб, барқарор маош олишмоқда.

* * *

ҲАР БИР участка учун паспорт. «Ангренский» кўмир кони маъмурияти билан шаҳар эпидемиология станцияси ўртасидаги шартнома асосида корхонанинг барча ишлаб чиқариш участкалари паспортлаштиришдан ўтиши лозим. Мутахассислар меҳнат шароитини, ҳаво ҳолатини, ёруғлик даражасини, шовқинни... ўрганишади. Коннинг йигирмата участкаси текшириб бўлинганидан кейин бу ердаги ишчиларнинг маошига қўшимча ҳақ белгиланди. У ўрта ҳисобда ойлик иш ҳақининг 12 фоизини ташкил этди. Участкалар паспортларида уч ой муддат ичида бартараф этиш зарур бўлган барча камчиликлар қайд этилган.

(ЎзТАГ).

«Обуна—91»

Ишчилар дорилфунуни

Энг ёш марказий рўзномалардан бири ташкил этилганига ҳали бир йил ҳам тўлгани йўқ. Лекин «Рабочая трибуна»нинг оммавийлиги собитқадам. Бу у ўзининг маслаги қилиб меҳнаткаш инсон манфаатларини ҳимоя қилиш, омманинг овозига диққат-эътибор билан қулоқ солиш, ўз саҳифалари муштарийларга беназир бериб қўйишни танлаб олганлигида бўлса керак.

Сизнинг «Рабочая трибуна»да эълон қилинган энг юқори даражадаги раҳбар ходимларга хизмат қилиш юзасидан Шерметьево тайёрагоҳидаги махсус отряди, Москва яқинидаги ва мамлакатнинг бошқа минтақаларидаги серҳашам дала ҳовлилар тўғрисидаги, шахтёрларнинг иш ташлаш ҳаракатлари, унинг сохта ва чинакам йўлбошчилари ва бошқа долзарб мавзудаги мақолалар хотирангизда бўлса керак. Натижада хизматига лойиқ бўлмаган имтиёзлар бекор қилиниб, дала ҳовлилар болаларга ва ногиронларга, норасмийлар ҳаракатлари раҳбарларининг хатти-ҳаракатларига оқилона баҳо берилди. Бир сўз билан айтганда, ижтимоий адолат воситалари ҳаракатга келтирилди.

Энг асосий натижа — муштарийларнинг бизга йўллаётган мактублари оқими кўпайди. Ўйлаймизки, улар бундан буён ҳам ошиб боради. «Рабочая трибуна» меҳнат жамоаларининг манфаатларини ҳимоя қилишни сусайтирмоқчи эмас. М. С. Горбачев рўзнома чиқишини табриклаб, унинг саҳифаларидан меҳнаткаш инсоннинг овози эркин янграши, унинг манфаатини ҳимоя қилиш «Рабочая трибуна»нинг йўналиши бўлиши, рўзномада босилаётган материаллар жамият соғлом кучларини жипслаштиришга кўмак беришига ишонч билдирган эди.

Маълумки, обуна баҳоси қимматлашди. «Рабочая трибуна»га обуналнинг ҳам баҳоси ошди. У 1991 йилда 16 сўм 80 тийинни ташкил этади. Қимматми? Лекин бутун йил мобайнида хонадонингизга севимли нашрингиз бориб туришини унутманг. Ахир бизнинг ҳаммамиз ҳам арзимаган нарсаларга кўплаб маблағ сарфлаймиз.

Биз жамоатчи матбуот тарқатувчиларга умид боғлаймиз. Кимда-ким минг нусхадан кам бўлмаган «Рабочая трибуна» рўзномасига обуна қилдирса, таҳририят минг сўм миқдорида мукофот беради. Шунга мувофиқ тарзда 500, 300 нусха обуна қилдирган — 500 ва 300 миқдорида пул мукофоти олади.

Алоқа ходимлари «Союзпечать» почтальонлари, киоскачилари ва операторлари учун обуна якуни бўйича қимматбаҳо совринлар таъсис этилган.

Биз ўз навбатида муштарийларимизни янги йилда ўткир сюжетли мақолалар, энг «қайноқ» сиёсий янгиликлар, навбатдаги шов-шувга сазовор бўладиган материаллар ва учар ликопчалардан тортиб то «қаҳрабо хона» сирларигача бўлган мавзуларда материаллар билан хурсанд қилишга ваъда берамиз.

КПСС МҚ «Рабочая трибуна» рўзномаси ўзининг янги дўстларини орттиради, деб умид қиламиз. «Союзпечать» дўконларида у обуна баҳосига қараганда қиммат сотилишини унутманг. Таҳририят обуна бўлганларга сарф-харажатларнинг бир қисмини мана шу орқали қоплайди. Шахсий маблағингизни тежаш имкониятини қўлдан бой берманг. «Рабочая трибуна» индекси: 50109. Тошкентдаги мухбирлар пунктининг телефон номери: 33-76-81.

Р. ТЭЛЛЬ,
«Рабочая трибуна»нинг Ўзбекистон ва Туркманистон бўйича ўз мухбири.

Ҳеч ким, ҳеч нарса унутилмайди!

Янги экспонатлар

Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий мавзесининг музейи янги экспонатлар билан бойиди. Миллий кийимлар, бадиий ҳунармандчилигимиз намуналари, фотосуратлар ва бошқа кўплаб ноёб буюмлар экспозициялардан муносиб ўрин олди. Музейнинг яқинда очилган байналмилал дўстлик залидаги бу экспонатлар ўзининг нодирлиги, бежиримлиги ва ҳаётийлиги билан киши эътиборини тортади.

Янги экспонатлар орасида тиббий хизмат майори, Улуғ Ватан уруши қатнашчиси И. А. Кононованинг шахсий буюмларини ҳам кўриш мумкин.

Булардан ташқари, музейга Афғонистонда бўлган чекланган шўро қўшинларининг собиқ биринчи қўмондони, генерал-полковник Ю. В. Тухариновнинг ҳам шахсий бисоти қўйилган. Бу буюмлар ичида жумладан, генералнинг фотосурати, ҳарбий билети, кийими, жангчилар ҳадя этган совғалар бор.

Яқинда музейда қувончли воқеа содир бўлди. Бу ерга Улуғ Ватан уруши қатнашчиси Ўрта Осиёда 312-ўқчи дивизияга асос солган кишилардан бири подполковник В. С. Харинннинг беваси Ф. Е. Харина ташриф буюрди. Фаина Евдокиевна Улуғ Ватан уруши ветеранидир. У музей ходимларига эсдалик учун эрининг шахсий буюмларини ҳадя этди.

— Бу совғалар ҳам яқин кунлар ичида экспозициялардан муносиб ўрин олади, — дейди музей ходими, подполковник Г. Ф. Сотов. — Улар томошабинларда катта қизиқиш уйғотади, деб ўйлайман.

Ҳозирда музей одамлар билан гавжум. Бу ерга Ўрта Осиё жумҳуриятлари ва Қозоғистондан, шунингдек чет эллардан ҳам кўплаб кишилар келмоқдалар. Куни кеча ана шу маданий даргоҳга немис туристлари ҳамда Афғонистон Демократик Жумҳуриятининг делегацияси ташриф буюришди. Меҳмонлар музей экспонатларини диққат билан кўздан кечирдилар.

Т. БОТИРБЕҚОВ,
(ЎзТАГ мухбири).

ТВ

20 СЕНТЯБРЬ — ПАЙШАНБА

● ЎзТВ I

11.25 Кўрсатувлар тартиби. 11.30 Мусиқа. Халқ ижодиёти. 12.00 «Адиба Шарипова чалади». Фильм-концерт. 12.30 Ўзбек совет адабиёти. Ҳамид Олимжон. 13.00 ЎзТВ жавонидан. Одил Ёқубов. «Улуғбек хазинаси». Видеофильм. 4-қисм.

* * *

18.00 Кўрсатувлар тартиби. 18.05 Янгиликлар. 18.10 Ўқувчилар учун. «Мактаб манзаралари». 18.50 «Алифбо сабоқлари». 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.50 «Ёзувчи ва замон». Тил ва таржима муаммолари ҳақида. 20.30 Москва. «Вақт». 21.00 Ҳинд куйларидан концерт. 21.30 «Ахборот». 21.50 «Елкан, шамол ва биз». Манзарали фильм. 22.00 «Ҳорманг, пахтакорлар!». Бадиий-мусиқий кўрсатув. 23.55 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

18.00 Кўрсатувлар тартиби. 18.05 «Париларнинг кузги инъоми». Бадиий фильм. 19.20 «Амалий давра суҳбати» (рус тилида). 20.05 «Эсдалик учун дастхат» (рус тилида).

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

20.30 Москва. «Вақт». 21.00 «Жаҳоноро» рақс конкурсига таклиф этади. 21.40 «Сирена». 22.00 «Ахбор». 22.15 «Характерлари тўғри келмади». Бадиий фильм (рус тилида).

● МТ I

6.00 «120 минут». 8.05 «Олтин сочли қиз». Мультфильм. 8.25 Футбол. Европа кубоклари. 10.55 Болалар соати (инглиз тили дарси билан). 11.55 Коллаж. 12.00 «Вақт». 12.30 Олам кинокамера кўзгусида. «Совет немислари: тарих ва ҳозирги давр». 1-қисм.

* * *

15.15 «Нисо». Уч серияли телевизион бадиий фильм. 2-серия. 16.20 «Мальта. Чорраҳадаги орол». Кинопрограмма. 17.05 Марина Капура куйлайди. 17.30 Ҳаракат хавфсизлиги учун. 18.00 «Вақт». 18.30 «...16 ёшгача ва ундан катталар» 19.15 «Ер — она масканимиз». Телевизион фотоконкурс. 19.25 «Канизак Изаура». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 9-серия. 20.30 «Вақт». 21.00 Долзарб интервью. 21.10 Футбол. УЕФА кубоги. 1/32 финал. «Торпедо» (Москва) — ГАИС (Швеция); «Днепр» (Днепропетровск) — «Хартс» (Шотландия). 23.40 «ТСН».

● МТ II

8.00 Эрталабки бадан тарбия машқлари.

Ўқув программаси

8.15, 11.00 «Сукунатни бузиб». Ҳужжатли фильм. 8.45, 9.35 Табиатшунослик. 5-синф. Сайёрамиз — Ер. 9.05 Испан тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун. 9.55 «Овозлар». Телевизион ҳужжатли фильм. 10.05 Испан тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун. 10.35, 11.30 Биология. 8-синф. Каналар.

11.55 «Дунёда энг тез». Телевизион бадиий фильм. 13.00 Ритмик гимнастика. 13.30 Такрорий телефильмлар сеанси. «Ўтиб бораётган ёз довруғи». 1-серия.

16.30 «Кинологни ити билан таклиф этамиз». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. 17.00 Марий АССР Давлат телерадиоси. «Ҳали кеч эмас». 17.30 Ритмик гимнастика. 18.00 «Вақт». (сурдо таржимаси билан). 18.30 «Райнис. Кумушранг нур». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси (Рига). 19.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Маймунлар қандай овқатланишди?». Мультфильм. 19.45 Коллаж. 19.50 Союзлар уйининг Колонна залида эстрада концерти. 20.30 ТВ-экскурсия. «Янги столешниклар». 20.50 «Сударушка» вокал квартетининг концерти. Свердловскдан кўрсатилади. 21.10 РСФСР Олий Совети сессиясининг кундалиги. 22.10 СССР Олий Совети сессиясида. 22.40 «Матбуот клуби».

Муҳаррир ўринбосари Фарруҳ РАҲИМОВ.

«Ёш ленинчи»
«Молодой ленинец» орган ЦК ЛКСМ Узбекистана
Издаётся на узбекском языке.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32-УЙ.

ТЕЛЕФОНЛАР:
ҚАБУЛХОНА — 32-56-58
ХАТЛАР БЎЛИМИ — 32-54-65.
ИНДЕКС: 64607.
513500 НУСХАДА ЧОП ЭТИЛАДИ.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.
1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12
Д. — 23577.